# Qishloq HAYOTI

2003 yil 1 May, Payshanba

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№57 (6.582). Sotuvda erkin narxda


## КУНИНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 апрель куни мамлакатимиз пойтахтидаги таъмирдан чиқарилган ва янги қурилган меҳмонхоналар билан танишди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.
- Марказий Осиёда илк бор ўтказилаётган фавқулодда вазиятларга қарши ҳаракат бўйича «Фарғона-2003» халқаро машқлари якунига етди.
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичининг энг муҳим масалалари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг Тошкентда ўтказилган кенгайтирилган мажлисида муҳокама этилди.
- Тошкентда «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилояти ҳудудий бирлашмаси фаолияти таҳлил этилди.
- Ўзбекистон Давлат консерваториясида камер мусиқаси халқаро фестивали якунланди.
- Ўсмирлар ўртасида бир ҳафта давом этган шоҳмот бўйича Осиё биринчилиги баҳслари ниҳоясига етди. Беллашувларда тўққиз мамлакатдан келган қирққа яқин ёш шахматчи иштирок этди.
- Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Нукус музейи коллекцияси дурдоналари» номли кўргазма очилди.
- Урганчда икки ҳафтадан кейин бошланадиган «Умид ниҳоллари-2003» мактаб ўқувчиларининг республика ўйинлари финал босқичининг матбуот маркази иш бошлади.
- Германия Қизил Ярим ой жамиятининг инсонпарварлик ёрдами юкланган автопоезд Қарши шаҳрига етиб келди.

Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номидаги ширкат хўжалигида чорвачиликни ривожлантириш борасида ёш чорвадор Абдурашид Муҳаммадиев етакчилик қилаётган 2-сут-товар фермаси жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Шу кунларда фермада 100 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 10 литрдан ошириб сут соғиб олинаётир. 310 бош қорамолни парвариши учун бу йил ғалладан бўшаган 100 гектар майдонда маккажўхори экилади, 15 гектар ерда эса лавлаги ўстирилади. Бу эса чорва маҳсулдорлигини оширишга мустаҳкам замин ҳозирлайди. Келгусида хўжаликда сутни қайта ишлайдиган мини цех қуриш режалаштирилмоқда.



**СУРАТДА: чорвадор Абдурашид Муҳаммадиев.**

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

# ТОШКЕНТ АНЖУМАНГА ТАЙЁР

***Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда ўтажак йиллик мажлисига саноқли кунлар қолди.***

Айни пайтда мамлакатимизда ушбу йирик халқаро тадбирга тайёргарлик ишлари деярли якунланди, деб таъкидлади анжуман матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев журналистлар билан бўлган учрашувда. Анжуман ўтадиган бинолар, меҳмонхоналар, транспорт, алоқа воситалари тахт қилинди, умуман, меҳмонларнинг яшаши ва ишлаши учун зарур барча шароит ҳозирланди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси анъанага кўра, бир йил Лондонда, кейинги гал эса аъзо давлатларнинг бирида ўтказиб келинар эди. Бироқ бу сафар, навбат бўйича Лондонда бўлиши кутилаётган халқаро анжуманни Тошкентда ўтказишга қарор қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Осиё қитъасида илк бор ўтказилаётган Тошкент анжумани минтақамиз, хусусан, Ўзбекистон ҳаётида улкан воқеадир. У Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар, эришилаётган улкан муваффақиятларнинг яна бир халқаро эътирофидир.




Мазкур йирик халқаро анжуман дунё иш одамлари, сиёсатчилари, умуман, халқаро ҳамжамият олдида эришган муваффақиятларимизнинг ўзига хос тақдимотига ҳам айланади, десак муболаға бўлмайди. Анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши дунё аҳлининг Ўзбекистонни барча давлатлар каби тенг ҳуқуқли, жаҳон айвонида ўз сўзи, қарашлари ва тамойилларини дадил ўтказиб келаётган мамлакат сифатида тан олганидан далолатдир.

Анжуманга беш президент, олти бош вазир ўринбосари, 34 вазир, 22 вазир ўринбосари, 12 марказий банк раҳбари ташриф буюради. 61 расмий делегация иштирок этади. Шундан 59 таси давлатлар делегациясидир. Булар Тошкент анжуманини том маънодаги жаҳон иқтисодий олимпиадасига айлантириши турган гап.

Шунингдек, анжуманда нодавлат ташкилотлардан 125 нафар вакил, юзлаб кузатувчилар қатнашади. Умуман, тадбирга жами 78 давлатдан меҳмон келиши кутилмоқда. Тадбирни маҳаллий журналистлар билан бирга, дунёнинг турли ахборот агентликлари, телевидение ва радио, газета ва журналларидан келган 191 нафар мухбир ёритиб боради.

4-5 май кунлари ўтажак анжуман Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширибгина қолмай, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида эришаётган ютуқларига холис баҳо бериш, дунё давлатлари билан ҳамкорлик кўламларини янада кенгайтириш учун янги имкониятлар очади.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# БУГУНГИ ДОН - ЭРТАНГИ НОН

***Бугун бепоён далаларда баравж ўсиб-унаётган буғдой майсалари эртага сара донга, индинга бўрсилдоқ нонларга айланади. Буғдойнинг сара дон даражасига етишида деҳқонинг меҳнати сингса, уни сақлаш, қайта ишлаш "Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорацияси таркибидаги корхоналар зиммасидаги вазифадир. Ҳозирги вақтда "Ўздонмаҳсулот" ДАКнинг бу борадаги фаолияти қай даражада, қандай ютуқларга эришилди, йўл қўйилган камчиликлар нималардан иборат?***

Куни кеча "Ўздонмаҳсулот" ДАК таркибидаги корхоналар фаолиятининг 2003 йил биринчи чорак якунлари ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили 4 декабрдаги "Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг бажарилишига бағишланган корпорация кенгаши аъзоларининг йиғилишида худди ана шу масалалар атрофлича муҳокама этилди.

**КЕНГАШ**

Жорий йилнинг бошидан "Ўздонмахсулот" давлат акционерлик корпорацияси, ушбу тизим корхоналарининг асосий эътибори тармоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, Вазирлар Маҳкамаси қарорининг бажарилишини таъминлаш, молиявий барқарорликка эришиш, харажатларни камайтириш, тежамкорликни ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш масалаларига қаратилди. Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди.

Биринчи чоракда корпорацияга қарашли корхоналарда амалдаги нархларда 35943,3 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши 2002 йилнинг шу даврига нисбатан таққослама нархларда 103,3 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари, маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, уларнинг сотилишини таъминлаш, экспорт масалаларини ташкил этиш, қўшни давлатлар бозорини ўрганиш мақсадида тизимда маркетинг ишларини тубдан яхшилаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Самарасиз ишлаётган, узоқда жойлашган ғалла қабул қилиш корхоналари ва шоҳобчаларидан 17 таси тугатилди. 24 та корхона, 115 та дон қабул қилиш шоҳобчалари, 37 та уруғлик ва ундан ортиқ таъмирлаш цехлари консервация қилинди. Натижада эса 1610,5 миллион сўм тежаб қолинди.

Корхоналар томонидан барча керакли мулкларнинг фақатгина ёпиқ тендер хулосаси орқали, унда белгиланган параметрлардан ошмаган ҳолда сотиб олиниши йўлга қўйилди. Корпорация, уюшма ва тизим корхоналари томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик мақсадида режасиз қурилишларнинг олдини олиш, режадан ташқари дастгоҳлар, асбоб-ускуналар сотиб олишга чек қўйишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилаётир.

(Давоми 2-бетда)

# "АЖАБ САОДАТ ЭРУР..."

**Мустақиллигимиз мучал ёшига қадам қўймоқда. Ана шу қисқа давр мобайнида жонажон юртимизда кўплаб эзгу ишлар амалга оширилди. Соҳибқирон Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби улуғ сиймоларнинг руҳлари шод этилди. Улуғ алломаларимиз яратиб қолдирган маданий ва маърифий мерос ўз ворисларига қайтаётир. Яқинда ўз ишини якунлаган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясида муҳтарам Юртбошимизнинг шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳазратларининг абадий қўним топган мақбараларини обод қилиш ҳақидаги таклифларини эшитганимизда бутун вужудимиз жунбушга келди. Зотан, давлатимиз раҳбари тилга олган бу масала кўпчилигимизни ўйлантириб келаётган оғриқли муаммолардан бири эди. Ахир, халқимизнинг шон-шавкати, доврўғини жаҳонга ёйган не-не улуғ алломаларимизнинг табаррук хоклари йигирма йиллаб қирғинбарот урушлар рўй берган ҳудудда, турли жангари гуруҳлар оёғи остида топталиб ётгани шу кунга қадар юрагимизни туздек ачиштириб келмаганмиди?**

Ўзбек халқининг бой маданиятини, теран томирларга эга бўлган мумтоз адабиётини ҳазрат Алишер Навоийсиз тасаввур этиш қийин. Не ажабки, улуғ боболаримиз нашъу намо суриб ўтган, бир вақтлар Хуросон гавҳари, дея ном қозонган Ҳирот ҳам, унда яшаб, ижод этиб бақо гулшанига ҳижрат этган ана шу улуғ бобокалонимиз равзаси ҳам Жайҳун ортида қолганди. Буюк Темурийлар салтанатининг иккинчи барқарор пойтахти замона зайли билан биз учун тамоман бегона масканга айланганди...

**НИГОҲ**

Афғон заминида қарор топа бошлаган осойишталик у ердаги улуғ аждодларимиз қадамжоларини зиёрат этишимиз, уруш оқибатида харобага айланган мақбараларини қайта таъмирлаш учун қулай имконият яратиб берди. Парламент сессиясида Юртбошимиз бу хусусда ўз фикр-мулоҳазаларини баён қиларкан, қўшни мамлакатдаги бобокалонларимиз зиёратгоҳларини таъмирлаш ишлари Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати билан бамаслаҳат тарзда олиб борилиши, бу хайрли тадбирда жамоат фондларининг фаол иштироки лозимлигини таъкидлаб ўтди. Албатта, бу таклиф аҳолининг кенг қатламлари томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланишига шубҳа йўқ.

Аму ортида - Ҳиротда Абдураҳмон Жомий, ҳазрат Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод каби улуғ зотлар қабри бўлса, Қобулда Мирзо Бобур, Ғазнада Беруний, Балхда Машраб каби боболаримиз хоки ётибди. Уларнинг қадамжоларини зиёрат этиб, руҳи покларини шод айламоқ фурсати етди. Не тонгким, бундай юксак шарафли ишнинг бош ташаббускори яна Юртбошимиз бўлди.

Парламентнинг бу галги сессияси кун тартибига қўйилган ҳар бир қонун лойиҳаси мамлакатимиз тараққиёти билан бевосита дахлдор эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Банк сири тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари депутатлар муҳокамасига ҳавола этилди. Юртбошимиз ўз маърузасида Асосий қонунимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирган омиллар ҳақида тўхталиб ўтди.

Ироқ теварагида содир бўлган воқеалар ҳукуматимизнинг бу борада тутган позицияси нақадар тўғри эканлигини кўрсатиб берди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, миллий армиямизнинг шаклланиб бораётгани, ўзбек генераллари, қўмондонлари камол топаётганлиги мустақиллик яратиб бераётган имкониятлар самарасидир. Айниқса, Ватан сарҳадларини туну кун сергаклик билан қўриқлаётган посбонларимизга қаратилаётган эътибор, бу борада чиқарилаётган қонун ва қарорларнинг аҳамияти беқиёс. Шу маънода, мазкур сессияда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонуннинг ҳам қабул қилинганлиги бизни беҳад қувонтирди.

Умуман олганда, Парламентнинг бу галги сессиясида муҳокама қилинган масалалар, қабул қилинган янги қонунлар мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этиши, жамиятнинг демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун хизмат қилиши муқаррар. Зеро, биздан келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолмоғи лозим. Ҳазрат Навоий айтганларидек:

**Бу гулшан ичраки йўқдур**
**бақо гулига сабот,**
**Ажаб саодат эрур қолса**
**яхшилик била от.**

**Фахри ХАЁТОВ**

# «МАШРАБ БОҒИДА ҚЎЙ БОҚИЛИБ, ШОЛИ ЭКИЛАРКАН»

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2003 йил 18 март сонида "Машраб боғида қўй боқилиб, шоли экиларкан" сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Яқинда ушбу мақола бўйича Наманган шаҳар ҳокимлигидан жавоб хати келди. Унда жумладан шундай дейилган:***

"Наманган шаҳар ҳокимлиги ушбу мақолани атрофлича муҳокама қилди. Мақолада ҳақиқатан ҳам долзарб масала кўтарилган. Машраб номли боғ 1990 йилда ташкил топган бўлиб, ўтган вақт мобайнида боғни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича талай ишлар амалга оширилди. Боғ ҳудудига Бобораҳим Машрабнинг ҳайкали ўрнатилди, шунингдек, шоир қадамжолари етган жойларнинг рамзи сифатида қатор бинолар, ошхона ва чойхоналар ҳамда музей биноси қурилди.

Ҳар йили май ойида "Машрабхонлик кунлари" ўтказиш анъана тусига кирган. Шу муносабат билан боғда ободонлаштириш ва хайрия ишлари амалга оширилади. Мақолада тўғри таъкидланганидек, боғ ҳудудидаги айрим биноларни қурдирган корхона ва ташкилотлар иқтисодий жиҳатдан қийин ҳолатга тушиб қолганлиги учун

**"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

ўз тасарруфларидаги ушбу биноларни таъмирлашни амалга оширолмаганлар. Бундан ташқари шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли боғда мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар юзага келган. Шаҳар ҳокимлиги ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни белгилади:

Биринчидан, боғни қаровсиз ҳолда қолдирганлиги учун шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Б.Абдуллаевга камчиликлари кўрсатиб ўтилди ва уларни тузатиш чораларини кўриш топширилди.

Иккинчидан, боғ ҳудудидаги қаровсиз қолган биноларнинг эгасизлигини ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқловчи ҳужжатлар тайёрланиб, хўжалик судига топшириш ва келгусида ҳар бир бинонинг эгалигини тиклаш чоралари кўрилмоқда.

Учинчидан, шу йил май ойида ўтказиладиган анъанавий "Машрабхонлик кунлари"га қадар боғни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича кенгайтирилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Айни пайтда боғнинг кейинги тақдирини ҳал қилиш масаласи ҳам ўрганиб чиқилмоқда. Бу ҳақда албатта қўшимча маълумот берилади.»

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЯНГИ АХБОРОТ ТАРМОҒИ

***Яқин кунларда Тошкент давлат техника университети қошида Марказий Осиё мамлакатларини боғлаб турувчи энергетика бўйича минтақавий ахборот тармоғи ташкил этилади.***

**ДАВР**

Ушбу тармоқ мутахассисларга нафақат тезкор ахборот билан алмашиш, балки Марказий Осиё давлатларининг бирлашган энергия тизимидаги фаолиятини мувофиқлаштириш учун чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш имконини беради.

Европа Иттифоқининг ТАСИС-ТЕМПУС таълим дастури доирасидаги қиймати 300 минг еврога тенг янги лойиҳани амалга оширишдан кўзланган мақсад ҳам ана шундай ахборот тармоғини шакллантиришдан иборат. Тошкент давлат техника университетида ушбу лойиҳа ижросига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда техника университетининг лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳамкорлари бўлган Германия, Италия, Греция, Россия, Украина, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг техника университетлари олимлари ҳамда мутахассислари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)

**МАЪНАВИЯТ**

## ЭЛНИНГ КЎЗИ ТУШАДИ...

***Кўпни кўрган Одил бува билан суҳбатлашиб ўтирганимизда уйли-жойли бўлиб кетган бир ўғли кириб қолди. У чўнтагидан 5-6 та ёнғоқни олиб дастурхонга ташлади. Бува дарров савол берди:***

-Ҳовлингда ёнғоғинг йўқ эди, қаердан олдинг?

-Қўшнимизнинг ёнғоғи шундоқ деворимиз тагида, биззи ҳовлига ҳам ер билан битта бўлиб тўкилиб ётибди. Сизни кўриб келай, деб чиқатуриб, 5-6 тасини чўнтагимга солиб қўйдим. Қўшниники табаррук.

-Э, болам, қўшнингни чақириб, ёнғоғингизни териб олинг, демайсанми. Бундай чакки ишларга элнинг кўзи тушади, болам...

Мен суҳбатнинг давомини айтганим билан унинг сизга қизиғи йўқ. Фақат "элнинг кўзи тушади" деган гап мени жуда ўйлантириб қўйди.

Одамзоднинг табиати қизиқ-да. Баъзан яхшилик қилса бу яхшилигимни ҳеч ким кўрмади, яхшилигимни билмайди, деб хафа бўлади.

(Давоми 4-бетда)

## ФОЙДА – ИШНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

***Мамлакатимиз Президенти томонидан имзоланган "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармоннинг бешинчи бандида тармоқ мутасаддилари учун ғоят муҳим вазифалар белгилаб берилган.***

Унда жумладан, вилоят ва туманлар бўйича фермер хўжаликларини яқин йилларда ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши зарурлиги қайд этилган.

**ИСЛОҲОТ**

Шундай дастурий ҳужжатларни тайёрлаш борасида кейинги йилларда республикамизда муайян тажриба тўпланди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарори асосида Фарғона вилоятидаги Ёзёвон, Сирдарё вилоятидаги Меҳнатобод ва Мирзаобод туманларидаги зарар кўриб ишлаётган ҳамда истиқболсиз ширкатларни тўлиғича фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида ҳар бир масалага илмий ва амалий жиҳатдан ёндашиш зарурлигига ишонч ҳосил қилинди. Ёзёвон туманидаги ширкатларни фермер хўжаликларига айлантиришда масъул бўлган ишчи гуруҳ таркибида фаолият кўрсатганимизда ҳам олимлар, мутахассисларнинг илмий тавсиялари, йўл-йўриқларига таянилган ҳолда иш олиб борилди.

(Давоми 3-бетда)

**МУЛОҲАЗА**

## "МУҲАББАТ СИНОВЛАРИ" СИНОВГА ТАЙЁРМИ?

***Мана бир неча кундан буён пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги санъат саройида "Даврвидео" ва "Кўзгу" студиялари томонидан суратга олинган "Муҳаббат синовлари" фильми намойиш этилмоқда.***

Кино залини тўлдириб ўтирган томошабинларни кўриб, халқимизнинг ана шундай янги фильмларимизга қизиқиши кучли эканлигини сезиб олиш қийин эмас.

Фильм икки севишган ёш – Бобур ва Рухшонанинг соф муҳаббати ҳамда қалб кечинмалари ҳақида ҳикоя қилади. Уларнинг иккиси ҳам иқтисодиёт университетининг битирувчи курс талабалари. Илк учрашувданоқ бир-бирларига кўнгил қўйишган. Лекин ҳаёт бошқа, ишқ бошқа, деганларидек уларнинг севгиси тош босмайди. Тарозининг иккинчи палласидаги бойлик, мартаба, деб аталмиш одамларни бир-биридан фарқловчи, ажратувчи сабаблар оғирлик қилади.

(Давоми 4-бетда)

## ПУШАЙМОН

***Буюк алломалардан бири "Жиноятдан кўра унинг ярамас оқибатлари узоқ яшайди ва шаҳид кетганларнинг арвоҳига ўхшаб, ҳамиша қотилнинг изидан қувгани-қувган", деб айтганди.***

Бу гаплар нечоғли ҳақ эканлигини Фурқат Қаршибоев ҳали кўп вақтгача эслаб юрса ажабмас. Негаки, у содир этган жиноят асоратлари ва бу жиноятнинг бегуноҳ қурбонларига айланган Лилия Нигматьянова ва унинг ҳали балоғат ёшига етмаган ўғли Русланнинг чирқираган руҳи уни узоқ вақтгача тинч

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

қўймаса керак. Агар у ўша куни номардлик қилиб қочиб кетмаганида, жабрланувчиларга ўз вақтида ёрдам қўлини чўзганида эди, бу икки инсон ҳаётдан бевақт кўз юммаган бўларди. Балки олти кунгача ўлим билан ҳаёт чегарасида муаллақ туриб, мислсиз оғриқлар азобидан қийналган Лилия тирик қолиши мумкин эди.

2003 йилнинг 7 март куни эди, ўшанда. Ишхонасида бироз ушланиб қолган Лилия онасига телефон қилиб, Русланни боғчадан олиб қўйишни илтимос қилади. Ишларини тугатиб, кеч соат 20 ларга яқин шошганича онасининг уйига келди.

(Давоми 2-бетда)

## ҲИКМАТ

*Хирадманд*
*чин сўздин*
*ўзга демас,*
*Вале, барча*
*чин ҳам*
*дегулик эмас.*
*Киши рост*
*сўз деса*
*зебо дурур,*
*Неча мухтасар*
*бўлса,*
*авло дурур.*

**Алишер НАВОИЙ**


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

СУВ БОШИДАН ЛОЙҚАЛАНГАЧ...

ИККИ МАРТА ЙЎҚОЛГАН ҲАССА

"ҚОР ОДАМ" БОРМИ?




## "ҒАЛАТИ" МАҚОЛ

***Муҳаррир қалам ҳақи олишга келган Оқсоқолга "ўпкаладди".***

***-Ҳар гал катта-катта пулни оласиз-кетасиз. Бирор марта "юр тушликка" дейиш йўқ.***

Бу ҳазил эди, албатта. Бироқ харажат, деса лабига учуқ тошадиган Оқсоқолнинг ўтакаси ёрилишига бир бахя қолди. Шогирдининг рафторидан ҳазиллигини англагачгина тил учида "манзират қилди".

-Жа мунчалик экан, юринг бўлмаса.

-Қаёққа? Ресторангами? – тикланди муҳаррир.

-Чўнтакларни чақиб оладиган ресторанннинг бети қурсин. Уйга борайлик, бир мазза қилайлик, ука. Шу-у, кампирим қўшни чиқарган кечаги шилпилдоқдан олиб қўювди шекилли. Шуни икков баҳам кўрамиз, иннайкейин ярим шиша қизил шаробим бор.

Домланинг пишиқлигидан завқи ошган муҳаррир қорнини ушлаб хахоларкан, гап келганда аяб ўтирмади:

-Чашми мўру, пойи мору, оши мулло кас надид (Чумолининг кўзини, илоннинг оёғини, муллонинг ошини киши кўрганмас) деганлари рост экан-да, а?

Узукка кўз қўйгандай ёпишиб тушган лутф Оқсоқолнинг ўзига ҳам нашъа қилиб, қиқирлай кетди:

-Рост-рост, фақат бир жойи ғалатроқ.

-Ие, - қаттиқ кулди муҳаррир. – Шунақами?

-Охири "оши мулло" эмас, "Оби мулло" бўлсаям катта гап. Аввал худойимнинг сувини сўраб кўринг-чи. Ош қилиш даҳшат-ку, унинг харажатини эшитган муллонинг шўри қуриб қолади, ахир...

**Рустамжон УММАТОВ**

## "ЭҲТИЁТКОР"

***Хидир Боллиев ёш раҳбар. Омади чопдими, ҳар нечук йигирма беш ёшида ташкилот бошлиғи. Отаси ҳар куни тайинлайди: "Менинг соямда ўсаяпсан, ҳар жойда ичаверма!". Шундан Хидиржон анча эҳтиёткор. Ўзини "ушлайди". Лекин...***

Бу сафар Ҳазратқуловнинг туғилган куни са-ал бошқача бўлди. Хидиржон ва яна бошқа идораларнинг раҳбарлари. Ҳар бири бир корхона етакчиси. Тажрибали. "Эҳтиёт бўлиш керак!". Уй эгаси сўради:

-Хидиржон, сиз қайсисидан ичасиз?

У иккиланди. "Шампан маъқул. Градуси кам. Маст қилмас..."

-Шампандан қуйинг...

Ичишди. Бош врач келди. Давра кенгайди. Кутилмаганда бош шифокор шампаннинг зарари ва ароқнинг фойдасидан гапира кетди. Яна қуйилаяпти.

-Хидиржон, ароқдан озроқ қуйсам-чи? – деди юбиляр.

-Майли, майли...

Кўтаришди. Даврага туман раҳбари келди. Уй эгаси деди:

-Азиз меҳмонимиз коньяк ичадилар, билама-ан...

Ногоҳ ҳамма коньякка ўтди. Раҳбарнинг ҳурматига.

-Хидиржон, сизга ҳам коньякдан озгина қуйсам-а...

-Майли, майли-и...

Табрикладилар, сўзладилар, қадаҳ сипқордилар. Яна қуйила бошланди.

-Хидиржон, сизга қайсиси?..

-Менга-а, любойидан қуяверинг!! Любойидан ичавераман!! – овозини баландлатди. Даврадагилар унга қарашди: "Ичмасди. Эҳтиёткор эди. Хидиржонми шу?!."

Хидиржон яна овозини кўтарди:

-Любойидан ичаман... любойини йиқитама-ан!!.

Шу-шу "Хидиржон любойидан ичади", деган гап тарқалиб кетди...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

## "ХУМОРДАН ЧИҚМОҚЧИМИСАН, ФУТБОЛГА БОР..."

***Бир раис "Нефтчи"нинг ҳар галги ўйинига боришни канда қилмасди. Лекин футболдан келганидан кейин ҳисобни сўрашса, ким ютганию кимнинг ютқазганини... билмас экан.***

Ҳангоматалаброқ иқтисодчи йигит раис футболдан қайтиши билан ҳар сафаргидек сўрабди:

-Раис бува, футболга бориб келдингизми?

-Ҳа, бордим. Роса маза қилиб ёзилиб келдим.

-Бу... ҳисоб неччи-ю неччи бўлди, ўзи?

-Ҳисобни қаёқдан билай. Тўпни у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа тепишаверди-ку, хумпарлар. Биттаси калласида зўр ўйнаркан. Қойил қолдим.

Идора ходимлари бу гапларни эшитиб, кулиб юборишибди. Уларнинг қаҳқаҳаси тегиб кетиб, ҳалиги йигит "Ўзи нимага борасиз футболга? Қизиқмасангиз нима қиласиз бекор вақтингизни кетказиб", деб юборди. Раиснинг бу гапга жавоби эса ҳаммасидан ҳам ошиб тушибди.

-Сўкингани бораман. Сенлар яхши ишламайсанлар. Терғаб-терғаб йўлга сололмадим. Боплаб сўкай, десам идорада аёллар бор. Кўчага чиқиб сўкинай, десам, у ер ҳам бола-чақаю кексаларга тўла. Далага борай, десам яна аёллар... Шунақа бўлгандан кейин нима қилай? Катта майдонга бориб, хумордан чиққунча сўкиниб келаман, билдингми?

Бир сафар юқоридан комиссия келса раис тағин футболга кетган экан. Текширувчилар келгандан кейин уни муҳокама қилишиб, "энди якшанбадан ташқари кунлари футбол кўргани бормайсиз", дейишибди. Айтишларига қараганда, бечора раис бува энди идоранинг орқасига катта стадион қурдираётганмиш.

## ЯНГИ МОДА

***Шаҳарга бориш учун бекатда автобус кутиб тургандим. Куттириб-куттириб, қадрдон автобусимиз келди. Пишқириб тўхтади. Чиқдим. Ё, тавба, ишонасизми, автобус тўла кампир... Илгарироқ бошланган "суҳбат" қизияпти. Бош мавзу - ҳозирги келинлар.***

-Э, буларнинг тегманозиклигини. Болангиз инжиқ, десам "гўдагимни сиғдирмайди", деб онасиникига кетиб қолса-я.

-Менинг кенжа келиним бўлса бетини совуқ сувда ювган экан, юзи шишиб, шамоллаб, бир ой дўхтирхонада ётиб чиқди.

-Сизларники ҳолва экан-ку, овсинжонлар, Мўминқулимнинг хотини бехосдан йўталиб юборганимга лабига учуқ тошиб, уйига жўнаворди.

Кулавериб кўзлари ёшланган ҳайдовчи акамиз бу ғаройиб "суҳбат"га нуқта қўйди.

-Холажонларим, билмасаларинг билиб олинглар. Келинларнинг уйига аразлаб кетиб қолиши ҳозир янги мода бўлган.

Афсус, шу билан барча гап-сўз тўхтади-ю айтмоқчи бўлганим ичимда қолиб кетди. Ниятим "илоҳим, бу янги мода урфдан қолсин", дейиш эди, холос.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ,**
**Фарғона вилояти.**

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАГАН МАКТУБЛАР ИЗИДАН

# АНА ХОЛОС...

***Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани "Бирлик" ширкат хўжалигида яшовчи Тўхтамурод Ўтбосаров газетамизга ариза-шикоят йўллаб, ўзига фермерлик хўжалигини ташкил қилиш учун ер беришмаётганини ёзган эди.***

Ушбу аризани жойида ўрганиш ва натижасини таҳририятга маълум қилишни сўраб Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигига юборган эдик. Яқинда ушбу шикоят-ариза бўйича туман ҳокимидан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилган:

"Юқори Чирчиқ тумани "Оқ-овул" фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи нафақадаги фуқаро Ўтбосаров Тўхтамуроднинг тумандаги фермер хўжаликларига айлантирилаётган "Бирлик" ширкат хўжалиги ҳудудидаги фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича берган аризасига қуйидагиларни маълум қиламиз.

"Оқ-овул" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро Ўтбосаров Тўхтамурод фермер хўжалиги ташкил қилиш учун "Бирлик" ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясига 29-контурдаги 20 гектарлик майдонга ариза берган. Ушбу майдонга шу контурда бир неча йилдан бери оилавий пудратчи бўлиб ишлаётган Исманова Раҳима ҳамда фуқаро Юлдашев Арманлар ҳам ариза билан мурожаат этишган ва икки босқич танловда қатнашишган. Танлов якунларига кўра Исманова Раҳима 93 балл, Ўтбосаров Тўхтамурод 73 балл, Юлдашев Арман 65 балл тўпладилар ва ушбу контур бўйича асосли равишда Исманова Раҳима ғолиб деб топилди ва 29-контурдаги 20 гектарлик майдон пахтачилик-ғаллачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун унга ажратилди.

Туман қайта ташкил этиш комиссиясининг 7 мартдаги 9-сонли баённомасига асосан Ўтбосаров Тўхтамуроднинг шу хўжаликда кўп йиллардан бери механизатор бўлиб ишлаганлиги, ишчи кучи ва имкониятини ҳисобга олиб, 4-контурдаги 22 гектарлик майдондан 10 гектарини фермер хўжалиги ташкил қилиш учун таклиф қилинди, лекин Ўтбосаров Тўхтамурод бу майдон уйимдан узоқ, ўт босган майдон, деб эътироз билдириб олмаслигини айтди. Шундан сўнг комиссия аъзолари маслаҳатлашиб, 31-контурдаги 23 гектарли майдондан 10 гектар ер пахтачилик-ғаллачилик йўналишида фермер хўжалигини ташкил этиш учун ажратилди.

Фуқаро Ўтбосаров Тўхтамурод ушбу майдондаги экилган ғаллани ҳолати ёмон, ҳосилдорлиги паст бўлади, деганидан сўнг шу майдондаги 10 гектар пахта экиш учун қолдирилган ер таклиф этилди. Жами уч хил таклиф берилди.

2003 йил 31 март куни ушбу масала туман ҳокими ҳузурида муҳокама қилинди. Фуқаро Ўтбосаров Тўхтамурод учала таклифга ҳам рад жавобини берди.

Фуқаро Ўтбосаров Тўхтамурод айнан ўзи ариза берган 29-контурдаги 20 гектарлик майдондан ер берасизлар, деб ўз сўзида туриб олди, лекин бу майдон танлов ғолиби, шу ерда пудратчи бўлиб бир неча йил ишлаган Исманова Раҳимага берилган."

**Таҳририятдан:**

**Республикамиздаги кўпчилик фермер хўжаликлари тошлоқ, унумсиз, сув бориши қийин жойларда ташкил этилган. Лекин фермерларнинг саъй-ҳаракатлари, ғайрат-шижоати туфайли ўша ерлардан ҳам мўл ҳосил олинаётир. Фермер бўламан, деб аҳд қилган кишининг бу ер яхши, бу ер ёмон, деб баҳона қилиши эса ҳали унинг фермер бўлишга аҳди қатъий эмаслигидан далолат, холос.**

<u>МАРКАЗИЙ ОСИЁ:</u>

# ЯНГИ АХБОРОТ ТАРМОҒИ

(Боши 1-бетда)

Шунингдек, семинарга Ўзбекистон Фанлар академияси, «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Кўмир» акционерлик жамияти, республика энергетика соҳасининг йирик корхоналари ҳамда машинасозлик мажмуи раҳбарлари ва вакиллари ҳам таклиф этилди.

XXI асрда энергетика барча мамлакатлар иқтисодиёти учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жаҳон энергетика агентлигининг маълумотларига кўра, электр энергиянинг қарийб ярми кўмирдан ҳосил бўлади. Электр энергиядан фойдаланиш суръатининг мунтазам ортиб бораётгани нафақат иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, балки аҳоли сонининг ўсиб бораётгани билан ҳам боғлиқ. Бу қатор жиддий муаммоларни юзага келтирмоқда. Уларнинг энг муҳимларидан бири - бу ресурсларнинг чекланганлигидир. Жаҳон ҳамжамиятини энергия ташувчиларни ва уни истеъмол қилишни тежаш, унинг муқобил манбаларидан янада кенгроқ фойдаланиш, соҳанинг атроф-муҳитга техноген таъсирини камайтириш каби масалалар ташвишга солаётир.

Ўзбекистоннинг энергия мустақиллигига эришгани ва у бугун бу борада ўз иқтисодиёти эҳтиёжларини тўлиқ қондириш билан бир қаторда электр энергияни ҳамда энергия ташувчиларни экспорт қилаётгани республикамизни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Етарли даражада нефт, газ ва кўмир заҳираларига эга бўлган Ўзбекистон ҳар йили 70 миллион тоннадан зиёд шартли ёқилғи ишлаб чиқаради. Бироқ мамлакат иқтисодий сиёсати келажакка йўналтирилган, атроф-муҳитни келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Шу сабабли бу борада 2010 йилгача мўлжалланган ва энергияни тежашга йўналтирилган мақсадли давлат дастури қабул қилинган ҳамда изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Дастурга мувофиқ, қайд этилган муддатгача илғор ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш ва истеъмол меъёрлари ҳисобидан ушбу муддатни қисқартириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, энергиядан фойдаланиш тузилмасини кенгайтириш лозим. Бунда кўмир энг истиқболли ташувчилардан бири ҳисобланади. Уни қазиб олиш ва фойдаланиш эса мунтазам ортиб бормоқда. Шунингдек, табиий углеводородларни қайта ишлаш самарадорлигини ошириш имкониятларини ҳам ишга солиш керак. Энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиш, қуёш, шамол энергиясида ишлайдиган модуллар, кичик дарёлар ва каналларда кичик ГРЭСларни ташкил этиш ҳам катта истиқболга эга. Бу борада тежамкорлик муаммоларини соҳа фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини яхшилаш, аҳоли ўртасида энергия ресурсларини тежаб-тергаб ишлатишни тарғиб қилишни кучайтириш ёрдамида ҳам ҳал этиш лозим.

Жаҳон иқтисодиётини глобаллаштириш энергетика соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Марказий Осиё минтақаси давлатлари бугун ушбу соҳани ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб масалаларни ҳамжиҳатлик билан ҳал этмоқда. Бирлашган энергия тизими мавжуд ресурсларни янада тежаб сарфлаш, ишлаб чиқарилаётган энергияни оқилона тақсимлаш, янги технологияларни жорий этиш ва соҳа корхоналарининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга ёрдам беради. Буларнинг барчаси маълумотлар билан доимий алмашиб туришни, ахборот алоқасини талаб этади. Шу боис минтақавий ахборот тармоғини ташкил этиш жуда долзарб ва фойдали иш саналади.

Мазкур тармоқ Тошент давлат техника университетида ушбу олий ўқув юрти ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш борасида катта салоҳиятга эга бўлганлиги учунгина ташкил этилаётгани йўқ. Университет бугунги кунда республикамизда энг замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда барча вазирликлар, компаниялар ва корхоналар учун энергетика мутахассисларини тайёрлайдиган энг йирик олий ўқув юрти ҳисобланади. Бунинг учун университет ҳузурида тегишли ўқув ва лаборатория базасига эга энергетика институти ташкил этилган.

Семинарда лойиҳанинг Европа мувофиқлаштирувчилари вакили бўлган Берлин техника университети профессори Рольф Ханич таъкидлаганидек, бу энергетика соҳасида Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорликда ТАСИС-ТЕМПУС дастури доирасида амалга оширилаётган учинчи лойиҳадир. Ушбу лойиҳаларни амалиётга жорий этиш Ўзбекистоннинг энг етакчи техника олий ўқув юртида кадрларни тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилади ва бу соҳада халқаро мувофиқлаштириш ишларига ёрдам беради.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ЯХШИ ХАБАР

***Республикамизнинг барча вилоятларида "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси томонидан мавсумий савдо ярмаркалари ўтказилмоқда.***

# МАВСУМИЙ КИЙИМЛАР ЯРМАРКАСИ

Бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси тасарруфига 50 дан ортиқ корхона киради. Компания тизимидаги барча корхоналарда ички ва ташқи бозор ўрганилиб, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Урганч шаҳрининг марказий универсал дўконида ташкил этилган ярмаркада мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотувга қўйилди.

Ярмаркада 16 та ташкилот 39 миллион сўмлик маҳсулоти билан қатнашди. Савдога қўйилган маҳсулотлар аъло сифати ва арзонлиги билан ўзини оқлайди. Масалан Хива гиламлари нафақат чиройи, балки сифати баландлиги билан харидорни ўзига жалб этади.

**"Туркистон-пресс"**

ҚИСҚА САТРЛАРДА

# МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ШАРТНОМА

***Республика "Мол хомашё биржаси" ҳиссадорлик жамиятининг Бухоро филиали мутасаддилари россиялик тадбиркорлар билан тикувчилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартнома тузишди.***

Қиймати 1 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг бўлган мазкур шартномага мувофиқ Россиядан Бухорога қурилиш материаллари келтирилади.

**Дилмурод ЖАББОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**Касби туманидаги сутни қайта ишлайдиган "Турос - Ўзбекистон" қўшма корхонаси ўтган йили ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда бу ерда кунига икки тонна сут қабул қилиниб, қайта ишланмоқда.**

**Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 100 тонна сут қайта ишланиб, 8 тонна пишлоқ, 1 тонна сариёғ, 350 килограмм бринза ишлаб чиқарилиб, эл дастурхонига тортиқ қилинди.**



**СУРАТДА: корхона раҳбари Аваз Бобоев (ўртада) ишчилар Майсара Мастонова ва Нигора Шайқуловалар билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.**

Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат.

# ПУШАЙМОН

(Боши 1-бетда)

У кишининг бироз ўтир, овқатланиб кет, деганига ҳам қарамай ўғлини кўтарганича уйига шошилди. Онаси уни кузатиб катта кўчагача чиқди. Узоқдан йўналишли таксини кўриб қолган Лилия ўша томонга югурди. Шу вақт машинанинг кескин тормоз бергани ва бир нарсага қаттиқ урилган овози эшитилди. Кўча қоронғи бўлганлиги сабабли Лилиянинг онаси нима воқеа рўй берганлигини билолмади. Аммо қандайдир бир ички туйғу билан қизига ва набирасига нимадир бўлганлигини сезиб, ўша томон интилди.

Фурқат шифохонада даволанаётган аёлидан бирров хабар олгач, машинасига ўтирди-ю, катта кўчадан уйи томон бурилганида тезликни бироз оширди. Лекин худди шу вақтда машинасининг ўнг томон қанотига бир нарса қаттиқ урилиб, олди ойнага келиб тушди. Бир зумгина каловланиб қолган Фурқат дарҳол тормозни босди. Машинадан тушиб, унинг ён томонига ўтганда эса кўзлари даҳшатдан катта-катта очилиб кетди. Дарҳол атрофга аланглаб, одамларни ёрдамга чақирмоқчи бўлди. Лекин онгини эгаллаб олган шайтони лаъин уни йўлдан қайтарди. "Қоч, ҳеч ким йўғида қочиб қол", дерди у. Икки ўт орасида қоврилган Фурқат шайтон измига бўйсунди. Машинасига ўтирди-ю, газни босганича қочиб кетди.

Воқеа жойига етиб келган она даҳшатли манзарани кўриб бир зум қотиб қолди. Ерда қизи Лилия ва набираси Руслан қоп-қора қонга беланиб ётишарди. Аёл кишининг тун пардасини йиртган кучли ҳайқириғини эшитиб, одамлар тўплана бошлашди. Кўпчилик бўлишиб машина тўхтатиб жабрланганларни касалхонага жўнатишди. Кимдир милицияга хабар берди.

Тезкор-қидирув гуруҳи ҳалокат юз берган жойга етиб борганида жабрланганларни шифохонага олиб кетишган эди.

-Воқеа ҳақида хабар топишимиз билан зудликда ўша жойга етиб бордик, - дейди Олмалиқ шаҳар ИИБ ЙҲХ бўлинмаси бошлиғи, милиция подполковниги Ҳусниддин Тошкенбоев. – Ҳолатни тезда ўрганиб, бу ҳақда вилоят ИИБ ЙҲХБга хабар бердик. У ердан ёрдамга қўшимча кучлар юборишди. Кўпчилик бўлиб қидирув ишларини бошладик. Ҳар бир ходимга аниқ вазифалар белгилаб берилди. Шу куни кечаси билан бирорта ҳам ходим ухлагани йўқ. Воқеа жойини кўздан кечириш асносида у ердан кўк рангли бўёқ парчалари топилди. Асфальтдаги ғилдирак изларини кўздан кечириб, қочиб кетган транспорт воситаси енгил автомашина бўлса керак, деган тахминга келдик.

-Фалокат рўй берган жойда бўёқ парчасидан бошқа бирор-бир қўлга илинарли ашёвий далил қолмаганлиги сабабли бутун нажот шундан эди, - дейди Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБ инспектори, милиция капитани Шуҳрат Соипназаров. – Биз бўёқ парчасини олиб, автомобил таъмирловчи усталар билан маслаҳатлашдик. Улар бундай бўёқ асосан ВАЗ-2101 ёки ВАЗ-21011 русумли автомашиналарга тегишли бўлишини ва 1980-85 йилларда ишлаб чиқарилган транспорт воситаларига ишлатилганлигини айтишди. Шундан сўнг Олмалиқдаги рўйхатлаш ва имтиҳон бўлинмасига бориб, шундай машиналар ҳақида маълумот тўпладик.

Тун кунга уланди. Гумон қилинган кўк рангдаги транспорт воситаларини қидириш бошланди. Йўл-патрул хизмати инспекторлари тун-у кун шундай рангдаги қанчадан-қанча транспорт воситаларини кўздан кечиришмади, дейсиз. Машаққатли меҳнат самарасини берди. 8 март куни мазкур йўл-транспорт ҳодисасини содир этганликда гумон қилиниб, Фурқат Қаршибоев ушланди. Дастлабки суриштирув вақтидаёқ у ўз айбига иқрор бўлди.

-Хотиним шифохонада даволанаётган эди, - дейди айбланувчи Фурқат Қаршибоев. – Уни кўргани бордим. Олдида кўп вақт турганим йўқ. Чунки уйда фарзандларим ёлғиз қолишган, катта ўғлимнинг мазаси йўқ эди. Шунинг учун тезда уйга қайтиш тараддудини кўрдим. Қоронғи тушиб қолганлиги учун машинамнинг яқинни кўрсатадиган чироқларини ёқиб, унча катта бўлмаган тезликда кетаётган эдим. Рўпарамдан келаётган машинанинг узоқни кўрсатадиган чироқлари кўзимни қамаштириб юборди. Шу вақт кўзимга одам шарпаси кўринди. Нималигини англаб етгунимча бўлмай, ўнг томон қанотга бир нарса урилди. Кучли зарбадан олди ойна синиб кетди. Мен дарҳол машинани тўхтатиб, пастга тушдим. Қарасам... Ногаҳон қўрқиб кетдим. Кейин машинамга ўтириб, қочиб кетдим. Ўша кундан бери азобдаман. Нимага қўрқоқлик қилдим, ёрдам берсам бўларди-ку, деб ўйлаганим сари қийналиб кетаяпман.

Ҳа, у айбига иқрор. Қўрқоқлик, номардлик қилганини тан олаяпти. Ўз ёғига ўзи қоврилиб, нима қилишини, бошини қайга уришни билмай қамоқхонанинг қоронғи, зах хонасида ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, одил суд олдида жавоб беришга тайёрланаяпти. Суд ҳам бўлиб ўтар, у қонуний жазосини ҳам олар, лекин виждон олдидаги жавобгарликдан, унинг қийноқларидан қутула олармикин?

Биз ушбу воқеа сабаб кўплаб ҳайдовчилар билан суҳбатлашдик. Суҳбатлар жараёнида уларнинг аксарияти ўзларининг бурчлари, вазифалари ҳақида, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда энг аввало нималар қилиш кераклиги ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмасликлари маълум бўлди. Бу нарсани билмаслик эса кўплаб тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳозирги кунда республикамизда амалда бўлган "Йўл ҳаракати қоидалари"да бу ҳақда аниқ ва равшан қилиб ёзиб қўйилган. Жумладан, ушбу қоидаларнинг "Йўл-транспорт ҳодисаси содир этган ҳайдовчиларнинг вазифалари" деган бандида "Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

-Транспорт воситасини дарҳол тўхтатиши, фалокат ёруғлик ишораларини ёки фалокат сабабли тўхташ белгиси (милтилловчи қизил чироқ)-ни ўрнатиш, транспорт воситасини ва ҳодисага дахлдор буюмларни жойидан қўзғатмаслиги;

-Шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам бериш учун зарур бўлган чораларни кўриши, "Тез тиббий ёрдам"ни чақириши, шошилинч ҳолларда эса шикастланганларни яқин орадаги даволаш муассасасига йўлакай транспортда жўнатиши, бунинг иложи бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўз исми-шарифини, транспорт воситасининг рақамли белгисини билдириши (ҳайдовчилик гувоҳномасини ёки ўз шахсини тасдиқловчи, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик ҳужжатини кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши;

-Ҳодиса ҳақида милицияга хабар бериши, гувоҳларнинг исми-шарифини ва манзилгоҳини ёзиб олиб, милиция ходимларининг келишини кутиши" кераклиги ва яна бошқа бир қатор вазифалари ёзиб қўйилган.

Афсуски, кейинги пайтларда айрим йўл-транспорт ҳодисаси содир этган ҳайдовчилар бу вазифаларни унутиб қўйишмоқда ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ўрнига воқеа жойидан қочиб кетишмоқда. Бундай ҳолат биринчидан инсоннинг бевақт ҳалок бўлишига олиб келса, иккинчидан ҳайдовчининг айбини оғирлаштиради. Шу сабабли ҳам ҳайдовчиларимиз "Йўл ҳаракати қоидалари"ни ўрганиб, уни чуқур ўзлаштириб олсалар, фойдадан ҳоли бўлмасди. Шунингдек, бу йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга ҳайдовчиларнинг қўшган муносиб улушлари бўларди.

**Мансуржон РИХСИЕВ,**
**Республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси матбуот бўлимининг катта инспектори.**

# БУГУНГИ ДОН - ЭРТАНГИ НОН

(Боши 1-бетда)

Тендер комиссиясининг фаолияти натижасида дастлабки тўрт ойда 80 миллион сўмлик ортиқча харажатларнинг олди олинди.

Шу билан бир қаторда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ун, ёрма, омухта ем, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръатлари пасайганлиги ҳам бор гап. Тизимдан ташқари дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришга ҳам эришилмади. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Навоий, Тошкент, Сурхондарё вилоятларида транспорт харажатлари юқорилигича қолмоқда.

Айни пайтда Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилояти корхоналарида сақланаётган буғдойнинг маълум қисми дон зараркунандалари билан зарарланишига йўл қўйилган. Элеватор ва омборлардаги ғаллани ўз вақтида шамоллатиш, зарарли ҳашаротларга қарши дорилаш ишлари вақтида бажарилмаганлиги туфайли шундай ҳолат юзага келган.

Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари корхоналаридаги моддий-техника базасини мавсумга тайёрлаш ишлари суст олиб борилмоқда. Хуллас, корпорация таркибидаги корхоналар фаолиятининг чорак якунлари, бу борадаги ишларда сезиларли ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилаётган камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар, амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг ҳали талайгина эканлигини кўрсатади.

Ҳадемай ғалла ўрим-йиғими мавсуми бошланади. Бу "Ўздонмаҳсулот" корпорациясига тегишли корхоналарда яна янги иш мавсуми бошланади, деганидир. Ғалла - ризқ-рўзимиз, эртанги насибамиз. Уни нест-нобуд қилмасдан сифатли қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида истеъмолчиларга, яъни халқимизга етказиш эса соҳа ходимлари-ю мутахассисларидан катта масъулият талаб этади. Мавжуд имкониятлардан унумли ва оқилона фойдаланиш, олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш эртага бошланадиган мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлайди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида фермер хўжаликларининг ҳам салмоғи тобора ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси тизимидаги баъзи ташкилотларнинг фермер хўжаликлари билан шартнома тузиш ишларини ҳалигача охирига етказилмаганлиги эса таассуфли ҳолдир. Кенгаш қатнашчилари ана шундай масалалар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар хусусида атрофлича фикр юритдилар. Бу борада тегишли хулосалар чиқарилиб, келгуси вазифалар белгилаб олинди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**

# ФОЙДА – ИШНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

(Боши 1-бетда)

Айниқса, Кувасой тадбиркорлик ўқув-илмий ишлаб чиқариш маркази Бош директори, иқтисод фанлари доктори Юсуф Додобаев таҳрири остида "Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги ширкат ва жамоа хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича Концепция" тайёрланиб, чоп этилганлиги жуда асқотди. Мулкчиликнинг янги шаклларини жорий қилиш ва қарор топтиришда шу қўлланмадан самарали фойдаланилди. Орадан кўп ўтмай Фарғона вилоятида қўлланилган тажриба ва иш услубларини янада такомиллаштирган ҳолда мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига ҳам жорий этиш мақсадида кенг миқёсдаги ишга қўл урилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ва бошқа идоралар ҳамкорлигида "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш тажрибалари" деб номланган илмий ишланма нашр этилиб, жойларга етказиб берилди. Иқтисодий ислоҳотларни жорий этишда тилга олинган икки қўлланмадан фойдаланилмоқда.

Уч-тўрт йилдирки, кам рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари фермер хўжаликларига айлантириляпти. Бир қатор туманларда тўлиғича мулкчиликнинг ана шу шаклига ўтилди. Бу жараёнда иш услублари йилдан-йилга такомиллаштирилиб, дастлабки даврда йўл қўйилган айрим камчиликлардан халос бўлиб борилаётир. Давр шу соҳадаги изланишларни давом эттиришни, ҳар бир масалага иқтисодий жиҳатдан ёндашишни тақозо этмоқда. Шу боис айрим таклиф-мулоҳазалар эътиборингизга ҳавола этилаяпти.

Тугатилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг аксарияти пахта ва ғаллачилик йўналишида бўлиб, улар юқори ҳосилдорликка эришолмаганлиги сабабли паст рентабелли бўлиб қолган. Ислоҳот жараёнида экинларни жойлаштириш, хўжаликлар йўналишини белгилаш масалаларига кўпгина ўзгартиришлар киритилаётганлиги эътиборга молик. Чунончи, ерининг каттагина қисми гипс қатламидан иборат бўлган Меҳнатобод туманида деҳқончилик нисбатан камайтирилиб, чорвачилик кенгайтирилди. Умумий манзарага назар ташланса, ширкатлар ўрнига тузилаётган аксарият фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳужжатларида пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланиш қайд этилганлиги кўзга ташланади. Ана шу ғоят муҳим маҳсулотларнинг кўзда тутилган миқдорда етиштирилишига албатта эришишимиз керак. Шу билан бирга янги фермер хўжаликлари оёққа туриб олишлари учун уларга иқтисодий эркинлик беришни ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур. Уларга йиллик шартнома топшириқларини тўла адо этиш шарти билан умумий ер майдонининг ўн фоизига ҳукумат томонидан тақиқланмаган бошқа экинларни экишига рухсат этилиши, унинг статистик ҳисоботга киритилиши тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу – содир этиладиган айрим ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйиб, фермер хўжаликларининг иқтисодини мустаҳкамлашга, сабзавот, картошка, дуккакли экинлар ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2002 йил 27 августда чиқарилган Р-1611-сонли Фармойиш соҳа ходимлари учун дастуриламал ҳисобланади. Бал-бонитети паст бўлган ерларда бозорда харидоргир бўлган, яхши даромад келтирадиган маҳсулотлар етиштиришга ўтиш, шу асосда иқтисодий кўрсаткичларни ўнглаш талаб этилмоқда. Ёзёвон туманида насослар билан тортиб олинган зах сув ресурсларидан фойдаланиладиган, унумдорлиги паст бўлган 3500 гектар ер мавжуд. Бу майдонларда пахта ёки ғалла етиштириш зарар келтиради. Юқорида таъкидланган Фармойиш талабидан келиб чиқилган ҳолда оқава сув билан суғориладиган ана шу ерларда шоли ва бошқа маҳсулотлар етиштирилса, биринчидан, салмоқли даромад кўрилади, иккинчидан, ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида 8,5 минг гектар унумдорлиги паст ер мавжуд. Бу туманда ва бошқа минтақаларда экин турларини танлашда заминнинг имконияти ва фойда кўриш масаласи диққат марказида бўлса, кутилган натижага эришилади.

Яна бир мулоҳаза: у ёки бу фермернинг шартнома мажбуриятини тўла бажармаганлиги ҳақидаги масала кўп ҳолларда йиғим-терим тугагандан сўнг кўтарилади ва у пайтда сабабларни аниқлашнинг имконияти бўлмайди. Пахта ёки ғалла етиштириш юзасидан фермер билан шартнома имзолаган тайёрлов идоралари томонидан мутахассислар иштирокида экинлар парвариши ҳолати ўрганилиб, камида икки марта далолатнома тузилиб, камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб борилса, мавсум охирида икки томон учун ҳам турли баҳоналарга ўрин қолмайди.

**Мансур СУЛТОНОВ,**
**Халқаро иқтисод ва Бизнес академиясининг иқтисодиёт доктори.**

# ТЎРТКЎЛ ГИЛАМЛАРИ

***Ички бозоримизни харидорбоп, сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда ва келажакда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳозирги вақтда ташкил этилаётган корхоналар муҳим аҳамият касб этиши тайин.***

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги "Гулнур" хусусий гилам тўқиш фирмасининг ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Узоқни кўзлаб ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ушбу корхонада гиламлар икки усулда тўқилмоқда. Яъни, гиламлар замонавий гилам тўқиш дастгоҳларида ва алоҳида буюртмалар учун қўлда тўқилмоқда.

## ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Маълумки, азал-азалдан Тўрткўл гиламлари ўзининг безаклари, тўқилиш услуби, сифати ҳамда чиройлилиги билан Қорақалпоқ ва Хоразмда машҳур бўлган. Ҳозир ҳам Тўрткўлда ўша гиламларни тўқиган усталарнинг издошлари кўплаб топилади. Буни яхши билган тадбиркор Фарҳод Қурбонов мана шундай устазодаларни йиғиб, гилам тўқишни йўлга қўйди. Ҳозирги кунда фирмада ўттизга яқин тўқувчи меҳнат қилаётир ҳамда бу ерда 8 хилдаги ва турли ўлчамдаги гиламлар тайёрланмоқда.

-Биз қадимда момоларимиз тўқиган гиламлардаги бетакрор безакларни топиб, тўқиётган гиламларимизда қайтадан жилолантирмоқдамиз, - дейди Фарҳод Қурбонов. – Уларнинг иқтидорига, санъатига тан бермасдан илож йўқ.

Улар гиламларда яратган мўъжизалар, яъни расм безакларни кўпроқ табиатдан олишган. Безаклардаги ранглар шунчалар бир-бирига уйғунки, момоларимиз рассомчилик санъатини ҳам мукаммал даражада эгаллаган экан, деган хаёлга борасиз.

Биз ўша безаклардан кўпроқ қўлда тўқилаётган гиламларда фойдаланаяпмиз. Қўлда тўқилган гиламлар кўп вақт ва меҳнат талаб қилади. Бу гиламларнинг нархи стандарт тўқилганига нисбатан анча баланд бўлса-да, доимо харидоргир. Ҳатто хорижликлар ҳам кўпроқ шундай гиламларга ишқивоз. Айниқса, буюртмалар асосида юбилейларга, тўйларга атаб, расмлар туширилган гиламларимизнинг бозори чаққон. Бу гиламлар ҳам асосан қўлда тўқилади.



Фирма таъсисчилари ва бу ерда ишлаётганларнинг асосий мақсади, Тўрткўл гиламларининг қадимий шуҳратини тиклаш, хорижга ўз гиламларини чиқариб, халқнинг бу қадимий ҳунармандчилик санъатидан ўзгаларни ҳам баҳраманд қилиш. Қолаверса, бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларни, айниқса ёшларни иш билан таъминлашда, бирор бир ҳунарнинг бошини тутишларида ушбу хусусий фирманинг ташкил этилганлиги қўл келаётир.

Ҳозирги вақтда бу ерда ишловчи тўқувчиларнинг ойлик маоши 40-50 минг сўмни ташкил этади. Шунингдек, уларнинг унумли ишлашлари учун корхонада зарур маиший шароитлар яратилган. Улар ўзлари тўқиётган гиламларни оддий бир маҳсулот сифатида эмас, балки тўрткўллик чеварларнинг ҳунармандчиликдаги амалий санъатини кўз-кўз этадиган дурдона бўлишига ҳаракат қилмоқдалар.

**Д.МЕДЕТОВА**

# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР !

«Давинком» Давлат Инвестиция Фирмаси биржа савдоларига қўйилган агроиндустрия комплексидаги бир қатор акциядорлик жамиятлари акция пакетларини сизларнинг эътиборингизга таклиф этади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, маблағни инвестицияга йўналтиришнинг энг яхши усули бу инвестиция асосида маълум бир ишлаб чиқариш ва технологик асбоб ускуналар, транспорт, коммуникация ва бошқа реал активлар ётган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишдир. Акцияларни сотиб олиш билан бирга Сиз ишлаб чиқаришнинг хақиқий эгасига айланасиз.

Сизнинг акцияларга йўналтирган маблағларингиз доимий равишда дивидендлар тарзида олинадиган маблағлар хисобига ўзини ўзи қоплайди, корхона фаолияти ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўз ниятингизни амалга оширинг ва даромадли корхоналарнинг ликвид акцияларига ўз маблағларингизни қўйинг.

Сизни қизиқтирган барча саволлар ва акциялари биржа савдоларига қўйилган эмитентлар бўйича қўшимча маълумотлар олишингиз учун «Давинком» Давлат Инвестиция Фирмаси хизматингизга тайёр.

| № | Тармоқ ва Акциядорлик Жамияти Номи | Худуд | Таклиф этилаётган акцияларнинг низом жамғармадаги хиссаси (% д а) | Таклиф этилаётган акциялар сони (дона) | Таклиф этилаёган баҳоси (сўмда) | Умумий қиймати (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **«Агромашсервис» уюшмаси** | | | | | |
| 1. | <МТП бирлашмаси> ОАЖ | Тошкент шаҳри | 29,63 | 72 091 | 1 050,00 | 75 695 550,00 |
| 2. | <Вилоят МТП>АО | Жиззах вилояти | 33,32 | 96 229 | 1 050,00 | 101 040 450,00 |
| 3. | <Ellikgala АТК> ОАЖ | Қорақалпоғистон Респ. | 44,00 | 32 199 | 2 944,82 | 94 820 259,18 |
| 4. | <РК МТП бирлашмаси> ОАЖ | Қорақалпоғистон Респ. | 38,62 | 63 631 | 1 050,00 | 66 812 550,00 |
| 5. | АО <Агрозапчасть> | Қорақалпоғистон Респ. | 15,00 | 1 416 | 12 444,78 | 17 621 808,48 |
| 6. | <Самарқанд вилоят машина-трактор парклари> ОАЖ | Самарқанд вилояти | 25,16 | 36 782 | 1 050,00 | 38 621 100,00 |
| 7. | АООТ <Карбид> | Сурхандарё вилояти | 15,01 | 376 | 53 191,50 | 20 000 004,00 |
| 8. | <Сирдаре вилояти МТП бирлашмаси> ОАЖ | Сирдарё вилояти | 37,46 | 164 608 | 525,00 | 86 419 200,00 |
| 9. | <MARKAZIY MASHINA TRAKTOR PARKI-TA"MINOTSERVIS> | Тошкент вилояти | 25,00 | 2 846 | 25 837,78 | 73 534 321,88 |
| 10. | <МТП бирлашмаси> ОАЖ | Фарғона вилояти | 23,32 | 19 418 | 1 050,00 | 20 388 900,00 |
| | **«Ўзбекипаги» уюшмаси** | | | | | |
| 11. | <Избоскан шойи тўқиш> ХЖ | Наманган вилояти | 25,00 | 13 097 | 1 079,50 | 14 138 211,50 |
| 12. | <Учқўрғон бош пиллахона> АЖ | Наманган вилояти | 25,00 | 3 245 | 13 922,36 | 45 178 058,20 |
| 13. | <Xo"jayli bosh pillaxonasi> OAJ | Қорақалпоғистон Респ. | 44,90 | 2 280 | 8 155,57 | 18 594 699,60 |
| | **«Ўзпахтасаноат» уюшмаси** | | | | | |
| 14. | <Автотрактор> ОАЖ | Андижон вилояти | 60,00 | 85 480 | 2 382,98 | 203 697 130,40 |
| 15. | <Бухоропахтатранс> очик турдаги акциядорлик жамияти | Бухоро вилояти | 21,60 | 42 768 | 2 392,66 | 102 329 282,88 |
| 16. | <Jizzaxpaxtasanoat> НА birlashmasiga... | Жиззах вилояти | 33,95 | 53 926 | 2 557,34 | 137 907 116,84 |
| 17. | <Qashqadaryopaxtasanoat> НА birlashmasiga... | Қашқадарё вилояти | 10,96 | 7 563 | 12 786,71 | 96 705 887,73 |
| 18. | <Samarqandpaxtasanoat> НА birlash... | Самарқанд вилояти | 32,37 | 74 129 | 2 518,59 | 186 700 558,11 |
| 19. | АО <Янгиқўрғон Пахта> | Самарқанд вилояти | 30,68 | 26 250 | 525,00 | 13 781 250,00 |
| 20. | <СИРДАРЁПАХТАТРАНС>ОАЖ | Сирдарё вилояти | 35,00 | 64 120 | 2 702,65 | 173 293 918,00 |
| | **Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги** | | | | | |
| 21. | <7-хужалик автотранспорт> ОАЖ | Андижон вилояти | 26,68 | 15 031 | 1 050,00 | 15 782 550,00 |
| 22. | ОАЖ <16-хужалик автотранспорт> | Андижон вилояти | 23,13 | 27 749 | 1 050,00 | 29 136 450,00 |
| 23. | <Ромитан АТК> ОАЖ | Бухоро вилояти | 42,00 | 11 715 | 2 392,66 | 28 030 011,90 |
| 24. | <ХАТП-11> ОАЖ | Бухоро вилояти | 16,95 | 30 370 | 1 050,00 | 31 888 500,00 |
| 25. | <ХАТП-11> ОАЖ | Бухоро вилояти | 36,76 | 65 876 | 1 050,00 | 69 169 800,00 |
| 26. | <Maxsuspolimer> АО | Тошкент шаҳри | 34,96 | 44 055 | 3 981,32 | 175 397 052,60 |
| 27. | <1-SON AVTOKOMBINATI> ОАЖ | Тошкент шаҳри | 20,00 | 46 686 | 1 050,00 | 49 020 300,00 |
| 28. | <Қарши ш. 12-сонли автокорхона> ОАЖ | Қашқадарё вилояти | 20,28 | 3 366 | 5 250,00 | 17 671 500,00 |
| 29. | <Қарши ш. 12-сонли автокорхона> ОАЖ | Қашқадарё вилояти | 25,00 | 4 150 | 5 250,00 | 21 787 500,00 |
| 30. | <6-сон автокорхона>АО | Навоий вилояти | 40,00 | 6 744 | 4 746,58 | 32 010 935,52 |
| 31. | <1-Наманганирқурилиш>ОАЖ | Наманган вилояти | 35,00 | 24 194 | 2 702,65 | 65 387 914,10 |
| 32. | <Uchqo'rg'onirkurilish>OAJ | Наманган вилояти | 35,00 | 9 125 | 2 605,78 | 23 777 742,50 |
| 33. | <Жийдакапа темир-бетон заводи> ОАЖ | Наманган вилояти | 25,00 | 11 684 | 7 019,47 | 82 015 487,48 |
| 34. | <Наманганирқурилиш> ОАЖ | Наманган вилояти | 35,01 | 4 170 | 2 421,73 | 10 098 614,10 |
| 35. | <Поп механизациялашган кўчма колонна> ОАЖ | Наманган вилояти | 35,00 | 13 462 | 2 567,03 | 34 557 357,86 |
| 36. | <Уйчиирқурилиш>ОАЖ | Наманган вилояти | 35,00 | 12 293 | 2 702,65 | 33 223 676,45 |
| 37. | <Чортоқирқурилиш> ОАЖ | Наманган вилояти | 35,00 | 11 602 | 3 002,94 | 34 840 109,88 |
| 38. | <Янгиқўрғонирқурилиш>ОАЖ | Наманган вилояти | 35,00 | 17 213 | 2 712,33 | 46 687 336,29 |
| 39. | <НЕАК-29> ОАЖ | Қорақалпоғистон Респ. | 32,16 | 26 882 | 1 050,00 | 28 226 100,00 |
| 40. | <Kattajar temir beton maxsulotlari zavodi> АО | Қорақалпоғистон Респ. | 65,51 | 86 845 | 2 712,33 | 235 552 298,85 |
| 41. | <Каракалпакархдизайнпроект> ОАЖ | Қорақалпоғистон Респ. | 49,00 | 16 895 | 2 944,82 | 49 752 733,90 |
| 42. | <ХАТП-15> ОАЖ | Қорақалпоғистон Респ. | 20,00 | 27 130 | 1 050,00 | 28 486 500,00 |
| 43. | <19-ХХАТК> ОАЖ | Самарқанд вилояти, | 13,49 | 7 594 | 1 050,00 | 7 973 700,00 |
| 44. | <19-ХХАТК> ОАЖ | Самарқанд вилояти | 22,76 | 12 815 | 1 050,00 | 13 455 750,00 |
| 45. | <9-ХХАТК> ОАЖ | Самарқанд вилояти | 8,22 | 7 735 | 1 050,00 | 8 121 750,00 |
| 46. | <9-ХХАТК> ОАЖ | Самарқанд вилояти | 16,56 | 15 575 | 1 050,00 | 16 353 750,00 |
| 47. | <13-ХХАК> ОТАЖ | Сурхондарё вилояти | 25,00 | 10 913 | 1 050,00 | 11 458 650,00 |
| 48. | <21-ХХАК> ОАЖ | Сурхондарё вилояти | 25,00 | 9 930 | 1 866,00 | 18 529 380,00 |
| 49. | АО <Олтинсой авто> | Сурхондарё вилояти | 24,99 | 1 510 | 17 796,03 | 26 872 005,30 |
| 50. | <3-сон ХХАК> ОАЖ | Сирдарё вилояти | 20,00 | 22 048 | 1 050,00 | 23 150 400,00 |
| 51. | <3-сон ХХАК> ОАЖ | Сирдарё вилояти | 32,96 | 36 336 | 1 050,00 | 38 152 800,00 |
| 52. | <Parkent IKMK> OAJ | Тошкент вилояти | 40,00 | 21 068 | 3 002,94 | 63 265 939,92 |
| 53. | <Тошлоқ Кўчма Механизациялашган Колоннаси> ОАЖ | Фарғона вилояти | 60,00 | 29 700 | 2 382,98 | 70 774 506,00 |
| 54. | <Фарғона ихтисослашган кўчма механ. колонна>ОАЖ | Фарғона вилояти | 60,00 | 27 545 | 2 702,65 | 74 444 494,25 |
| 55. | <Фарғона қурилиш монтаж бошқармаси>ОАЖ | Фарғона вилояти | 60,00 | 20 856 | 3 593,84 | 74 953 127,04 |
| 56. | ОТАЖ <5-автокорхона> | Фарғона вилояти | 3,40 | 2 723 | 1 050,00 | 2 859 150,00 |
| 57. | ОТАЖ <5-автокорхона> | Фарғона вилояти | 25,00 | 20 032 | 1 050,00 | 21 033 600,00 |
| 58. | <Гурлансувқурилиш>ОАЖ | Хоразм вилояти | 35,00 | 19 920 | 1 462,72 | 29 137 382,40 |
| 59. | <ҚЎШКЎПИРСУВҚУРИЛИШ> ОАЖ | Хоразм вилояти | 35,00 | 16 161 | 1 462,72 | 23 639 017,92 |
| 60. | <Сувқурилишконструкция> ОАЖ | Хоразм вилояти | 35,00 | 33 864 | 1 462,72 | 49 533 550,08 |
| 61. | <ТАШСАКАСУВҚУРИЛИШ> ОАЖ | Хоразм вилояти | 35,00 | 20 999 | 1 462,72 | 30 715 657,28 |
| | **Терагрокурилиш** | | | | | |
| 62. | <Бухоро 20 трест> | Бухоро вилояти | 3,62 | 4 469 | 2 725,41 | 12 179 857,29 |
| 63. | <Бухоро 20 трест> | Бухоро вилояти | 25,00 | 30 874 | 2 725,41 | 84 144 308,34 |
| 64. | АО <ЗСК> | Жиззах вилояти | 25,00 | 5 827 | 5 470,00 | 31 873 690,00 |
| 65. | АО <ЗСК> | Жиззах вилояти | 25,00 | 5 827 | 5 470,00 | 31 873 690,00 |
| 66. | <Қашқадарёагросантехгазмонтаж> ХЖ | Қашқадарё вилояти | 25,00 | 4 247 | 2 363,70 | 10 038 633,90 |
| 67. | <Ғишт заводи> ХЖ | Самарқанд вилояти | 25,01 | 1 136 | 8 803,00 | 10 000 208,00 |
| 68. | АО <1-сон автокорхона> | Сурхондарё вилояти | 25,00 | 1 983 | 13 750,00 | 27 266 250,00 |
| 69. | <Muzrabot g`isht zavodi> ОАЖ | Сурхондарё вилояти | 25,00 | 3 750 | 4 551,76 | 17 069 100,00 |
| 70. | <Muzrabot g`isht zavodi> ОАЖ | Сурхондарё вилояти | 25,00 | 3 750 | 4 551,76 | 17 069 100,00 |
| 71. | АООТ <Эски Тошкент Шағал корхонаси> | Тошкент вилояти | 25,00 | 4 285 | 9 865,84 | 42 275 124,40 |
| 72. | <Шўрсув ғишт заводи>ОАЖ | Фарғона вилояти | 37,20 | 11 083 | 4 735,00 | 52 478 005,00 |
| 73. | <Шўрсув ғишт заводи>ОАЖ | Фарғона вилояти | 25,00 | 7 449 | 4 735,00 | 35 271 015,00 |
| 74. | <Урганч қурилиш конструкция> ХЖ | Хоразм вилояти | 14,93 | 7 085 | 4 288,20 | 30 381 897,00 |
| 75. | <Урганч қурилиш конструкция> ХЖ | Хоразм вилояти | 25,00 | 11 863 | 4 288,20 | 50 870 916,60 |
| | **Ўзбалиқ** | | | | | |
| 76. | <ЎЗБАЛИҚ> ОА Компанияси | Тошкент шаҳри | 47,34 | 87 641 | 2 712,33 | 237 711 313,53 |
| | **Ўзбекенгилсаноат** | | | | | |
| 77. | АО <Мангитская прядильно-ткацкая ф-ка> | Қорақалпоғистон Респ. | 25,00 | 7 344 | 10 316,17 | 75 761 952,48 |
| 78. | <Лола> г. Гулистан | Сирдарё вилояти | 9,90 | 581 | 17 447,30 | 10 136 881,30 |
| 79. | АО <Лола> г. Гулистан | Сирдарё вилояти | 15,11 | 887 | 17 447,30 | 15 475 755,10 |
| 80. | АО <Лола> г. Гулистан | Сирдарё вилояти | 25,00 | 1 468 | 17 447,30 | 25 612 636,40 |
| | **Ўзқишлоқхўжаликкимё** | | | | | |
| 81. | АООТ <Andijonqishloqxojalikkimyo> | Андижон вилояти | 9,81 | 29 192 | 1 050,00 | 30 651 600,00 |
| 82. | Кор. ак. бирлашмаси <Qaraqalpaqawilxojaliqximia> ОАЖ | Қорақалпоғистон Респ. | 12,88 | 97 288 | 1 050,00 | 102 152 400,00 |
| 83. | <Қишлоқхўжаликкимё> бирлашмаси | Самарқанд вилояти | 12,96 | 23 852 | 1 050,00 | 25 044 600,00 |
| 84. | <Қишлоқхўжаликкимё> АО | Сирдарё вилояти | 10,27 | 88 670 | 1 050,00 | 93 103 500,00 |
| | **Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг** | | | | | |
| 85. | <MOTOR ZAVODI> OAJ | Тошкент шаҳри | 18,98 | 98 254 | 19 838,21 | 1 949 183 485,34 |
| 86. | <Toshkent traktor zavodi> DHJ | Тошкент шаҳри | 7,98 | 235 875 | 4 129,02 | 973 932 592,50 |
| 87. | АООТ <TOSHQISHLOQMASH> | Тошкент шаҳри | 3,52 | 97 566 | 1 050,00 | 102 444 300,00 |
| 88. | АООТ <Чирчиксельмаш> | Тошкент вилояти | 13,68 | 144 601 | 1 199,30 | 173 419 979,30 |

Қўшимча маълумотлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 133-27-19, 132-07-32, 133-22-73.

# СПИСОК АФФИЛИРОВАННЫХ ЛИЦ ОАО «O'ZDON»

| Ф.И.О. | Занимаемая должность | Кол-во голосующих акций штук | % от уставного фонда | Вид акций |
|---|---|---|---|---|
| | **Члены Наблюдателдьного совета** | | | |
| Сарманов Г.Д. | Гос.поверенный ГАК «Узхлебопродукт | 14838 | 25 | Простые акции |
| Юлдашев А.М. | Нач.фин.управ.ГАК | 5000 | 8,4 | Простые акции |
| Докибаев Б. | Управл « Галла-банка » | 6604 | 11,1 | Простые акции |
| Наурызбаев Г.Д. | Директор ТОО «Астык-трейд» | 14838 | 25 | Простые акции |
| Исмаилов А.Ф. | Директор СП «Тураз» | 1000 | 1,7 | Простые акции |
| | **Члены Правления** | | | |
| Кадыров Б.М. | Председатель | 100 | 0,17 | Простые акции |
| Осипов В.А. | Зам.председателя | 33 | 0,05 | Простые акции |
| Шаякубов Ш.Ш. | Главный специалист | 19 | 0,03 | Простые акции |

# СПИСОК АФФИЛИРОВАННЫХ ЛИЦ ОАО «O'АНМ»

| № | ФИО | Занимаемая должность по месту работы | Доля в УФ |
|---|---|---|---|
| 1. | Сармонов Ганижон Дехканович | Г. Ташкент,Шахрисабз, 36,ГАК «Уздонмахсулот»нач. отд.маркетинг.исслед. | 69% |
| 2. | Камбарова Насиба Рашидовна | ООО «Хамкор-Сервис» вед. экономист | 2,8% |
| 3. | Докибаев Баходир | РСАК «Галлабанк» зам. председателя | 5,7% |
| 4. | Корюкина Людмила Энгельсовна | ОАО «Уздон» гл. экономист | 5,7% |
| 5. | Ильичев Владимир Викторович | ЧП «Ильичев В.В.» | 0,3% |
| 6. | Кан Галина Алексеевна | Профорг ОАО «О'АНМ» | 0,2% |
| 7. | Мирзаев Рахматулла Эшкамбилович | ГАК «Уздонмахсулот» гл. технолог | 0,1% |
| 8. | Иванникова Татьяна Васильевна | Председатель правления ОАО «О'АНМ» | 0,15% |
| 9. | Ромакина Светлана Вольдемаровна | Главный бухгалтер ОАО «О'АНМ» | 0,14% |
| 10 | Чернова Валентина Кузьминична | Зав.отделом ОАО «О'АНМ» | 0,14% |




## СОБИҚ ҲОКИМ ТАСЛИМ БЎЛДИ

***Бағдоддан 550 километр жанубда жойлашган Басра шаҳрининг собиқ ҳокими Валид Ҳамид Тафик ал-Тикрити ўз хоҳиши билан Ироқ миллий конгресси вакилларига таслим бўлган.***



АҚШнинг "қора рўйхат"идан 44-рақам остида жой олган Валид Ҳамид собиқ ҳукумат аъзоларининг ҳибсга олинган 17 - вакили саналмоқда. Ҳозирда у Ироқ миллий конгрессининг Бағдоддаги бўлимида сўроқ қилинмоқда. Шунингдек, собиқ нефт вазири Амир Муҳаммад Рашид ҳам қўлга олинган бўлиб, у рўйхатда 43-рақам остида турган эди. У ўз вақтида Ироқнинг баллистик ракеталар яратиш дастурини ишлаб чиқишда асосий фигуралардан бири бўлган. Унинг рафиқаси эса бактериологик қуроллар ишлаб чиқариш дастурига бошчилик қилган.

Айни дамда эса америкаликлар томонидан сўроқ қилинаётган собиқ вице-премьер Тарик Азиз Саддам Ҳусайннинг тирик эканлигини айтган, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.

## "АЛ-ЖАЗИРА" ИШГА ЧАҚИРМОҚДА

***Араб CNNи номини олган Қатарнинг "Ал-Жазира" телеканали Ироқнинг собиқ ахборот вазири Муҳаммад ас-Саххафни ҳамкорлик қилишга чақирмоқда.***



Ҳозирда собиқ вазирга сиёсий шарҳловчилик қилиш ёки бирорта сиёсий дастурларни олиб бориш таклиф этилиб, унинг "Ал-Жазира" билан боғланиши сўралмоқда. "Ал-Жазира"нинг мақсади АҚШнинг "қора рўйхат"идан ўрин олмаган ас-Саххаф имкониятларидан фойдаланиш. Чунки унинг тажрибаси катта ва ҳарбий операциялар бошлангандан сўнг, ҳар куни ўтказиб борган матбуот анжуманлари ас-Саххафни ҳақиқий етакчи шахсга айлантирган. Шунингдек, собиқ вазирнинг Ироқда кечаётган бугунги жараёнлар ва мамлакат келажаги ҳақидаги фикрлари ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Лекин ҳозирда қаерда юрганлиги номаълум бўлган собиқ вазирнинг тақдири очиқ қолмоқда. Чунки, аввалига ўз жонига қасд қилган, дея айтилган ас-Саххафни кейинчалик одамлар кўрганлиги ҳақида ҳам гаплар тарқалган эди. Аммо, у ўзининг қаерда эканлигини ошкор этганича йўқ.

## НОМАЪЛУМ КАСАЛЛИК ОҚИБАТЛАРИ

***Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган АСЕАН давлатлари раҳбарларининг учрашувида Хитой бош вазири Вэнь Цзябао номаълум пневмония касаллиги Хитой учун оғир ва узоқ муддатли муаммо бўлиб қолишидан хавотирини билдирган.***



АСЕАН давлатлари раҳбарлари касалликнинг олдини олиш борасида келишиб олган бўлсалар-да, лекин чегаралар ёпилмаслигини ёқлаб чиққанлар. Чунки, бу ҳол минтақанинг иқтисодий салоҳиятига зарар етказиши мумкин. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг билдиришича, Буюк Британия ва Жанубий Африкагача етиб борган SARSнинг илк аломатлари Мўғулистон, Жанубий Корея, Янги Зеландия давлатларида ҳам кузатилди. Бугун дунёнинг 27 давлатига тарқалишга улгурган SARS туфайли ҳозирча 353 киши ҳалок бўлди ва 5753 киши зарарланди, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.

## АМЕРИКА АСКАРЛАРИ САУДИЯДАН ЧИҚИБ КЕТАДИ

***Ар-Риёд шаҳрида Саудия Арабистони ҳукумати билан музокаралар ўтказган Пентагон ташкилоти раҳбари Дональд Рамсфельд ушбу мамлакатда турган Америка аскарлари ва ҳарбий техникалари ёз фаслига қадар олиб чиқиб кетилишини маълум қилди.***



Қўшинларнинг бир қисми эса яқин кунларда Қатардаги "Ал-Удайд" базасига кўчирилади. 1991 йилдаги Форс кўрфази урушидан сўнг, Саудия Арабистонига Америка аскарлари жойлаштирилган бўлиб, Ироқ уруши вақтида уларнинг сони 10 минг нафарга етган эди. Ироқ жанубидаги учиш тақиқланган ҳудудда патрул хизмати олиб борган АҚШ ҳаво кучларига бугун ҳожат қолмаганлиги учун улар Саудия Арабистонидан олиб чиқиб кетилади. Эндиликда Саудиянинг Шаҳзода Султон базасидаги АҚШ ҳаво кўшинлари маркази Қатар давлатига кўчирилади.

## ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАСДИҚЛАНДИ

***Фаластин мухториятида жорий этилган янги лавозим - бош вазир бошчилигида янги ҳукумат таркиби тузилди.***



Бош вазир вазифасига сайланган Маҳмуд Аббоснинг янги ҳукумат таркиби Фаластин қонунчилик йиғинининг 51 нафар депутати томонидан қўллаб-қувватланди. Исроил билан кечаётган кўп йиллик қонли тўқнашувлар ҳақида тўхталар экан, Маҳмуд Аббос можаро ечими ҳарбий йўл билан топилмаслигини ва зўравонликларга, ноқонуний қуролланишларга чек қўйиш лозимлигини урғулаган.

Кеча Тель-Авивдаги АҚШ элчихонаси яқинида жойлашган "Mike`s Place" кафесида юз берган террор акти туфайли уч киши ҳалок бўлди ва 45 киши жароҳатланди. Шунингдек, шифохонага келтирилганларнинг 6 нафари оғир аҳволда. Ҳалок бўлганларнинг бири эса террорчининг ўзи, дея айтилаётган бўлиб, унинг кафега киришига рухсат берилмаганидан сўнг, террорчи портловчи моддани ишга солган, дея хабар беради CNN агентлиги.

## ПУТИН: БМТ ЕТАКЧИЛИК ҚИЛИШИ КЕРАК

***Россия президентининг Москва шаҳри ташқарисида жойлашган Ново-Огарево қароргоҳида Владимир Путин ва Буюк Британия бош вазири Тони Блэр учрашуви бўлиб ўтди.***



Аввалига икки давлат раҳбарлари бир неча дақиқа инглиз тилида суҳбатлашганларидан сўнг, бино ичкарисида музокаралар бошланди ва унда урушдан сўнг Ироқда бошланган тикланиш ҳамда хавфсизлик ишларида БМТ ўрни хусусида гап борди. Владимир Путиннинг айтишича, оммавий қирғин қуроллари топилмагунига қадар, Бағдодга нисбатан жорий этилган БМТ санкцияларини бекор этиш ярамайди. Бундай қирғин қуроллари террорчилар қўлига тушиб қолишидан хавотир билдирар экан, Путин жаноблари уни топиш ишларида Россия иттифоқчилар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирган. Шунингдек, бугунги тикланиш, тинчлик жараёнларида ҳам марказий ўринни БМТ эгаллаши ва "Нефт эвазига озиқ-овқат" дастурини ҳам у ўз назоратига олиши кераклигини таъкидлаган. Ўз навбатида, Тони Блэр оммавий қирғин қуролларини топишда иттифоқчилар барча имкониятларни ишга солишини билдирди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЭЛЛИК БИРИНЧИ ҚАЛЪАНИ ҚЎМСАБ...

***Ўқув даргоҳининг муҳташам зали шеърият ихлосмандлари билан лиқ тўлган. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов раҳбарлигида мамлакатимизнинг деярли ҳамма вилоятларидан кенг китобхонлр оммасига маълум ва машҳур шоирлар "Шеърият байрами"га ташриф буюришган.***



Халқ севган ижодкорларнинг келиши муносабати билан Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти ёш шоирларининг "Нафосат – бўстоним маним" шиори остида кўрик-танлови ўтказилаяпти.

А.Орипов тавсиясига биноан ҳакамлар ҳайъати раислигига Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номзоди таклиф қилинди ва гулдурос қарсаклар билан маъқулланди.

Шеърият оламига эндигина қадам қўйган йигит-қизлар қайноқ қалбларидан қайнаб чиққан ижод намуналарини қисиниб-қимтиниб бўлса ҳам эҳтирос билан ўқий бошладилар. Мамлакатимизнинг забардаст сўз усталари, меҳмонлар, айниқса, тўрткўллик ва элликқалъалик ёш ижодкорларнинг ўқувчини мафтун қилувчи сатрларини эшитиб, ўзларида йўқ шод бўлишди.

**ЁДНОМА...**

Ниҳоят ҳакамлар ҳайъати раиси Муҳаммад Юсуфга якунловчи сўз берилади. Хассос шоир ўзига хос табассум, салобат билан кўрик-танловни ғоят адолатли тарзда якунлади. Улоқни тўрткўллик шоира қиз олиб кетди. Шу пайт... Уни дарҳол вестибюлга олиб чиқишди. Хайрият, шеърият байрамида тажрибали шифокор Худойберган Каримбердиев ҳам бор экан, дарҳол дастлабки тиббий кўмаклар берилди. Лекин бемор оғир аҳволда эди.

-Ўша дамларни эсласам, ҳалиям юрагимни Қоратоғдек дард-алам босиб келаверади, - дейди "Янги ер" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Болтабой Олимов. – У киши билан 2000 йилнинг 12 июнида туманда бўлиб ўтган "Шеърият байрами"да яқиндан танишгандик. Дарров тил топишдик. Муҳаммаджон Абдулла ака билан хонадонимизга ҳам ташриф буюриб, кекса онамнинг дуосини олган, кейинчалик кўпгина учрашувларда, телевидениеда чиқишларида:

-Менинг икки онам бор. Бири – Марҳаматда, иккинчиси – Элликқалъада, - деярди ғурур билан.

Бу ажойиб инсонни ўша куни зудлик билан касалхонага ётқиздик. Ҳеч мубоғаласиз айтиш мумкинки, марказдаги малакали мутахассислар, маҳаллий шифокорлар ҳам барча амалий чора-тадбирларни кўришди. Аммо...

Ўша дўстим Фарҳод Ибодуллаев билан Муҳаммаджонни ширин болалик дамлари ўтган она юрти Марҳаматга олиб борганди. Каттаю кичик уни охирги йўлга кўзларида ёш билан кузатиб қўйишди. Бундай ҳолатни кўриб шоирнинг шеърларидан бир банди беихтиёр хаёлимда айланаверди:

**Юрак, ёмон экансан,**
**Қип-қизил қон экансан.**
**Кун йўқ экан менга ҳеч**
**Сенки омон экансан.**

...Қалбимизда чуқур дардли из қолдирган бу кунларга ҳам мана икки йилга яқинлашди. Биз оиламиз билан Муҳаммаджоннинг турмуш ўртоғи Назирахон, шоирнинг дўстлари билан алоқани узмадик. Назирахон шоирнинг порлоқ хотирасини эъзозлаб, ўзи ҳам яхши-яхши шеърлар ижод қилмоқда. Муҳаммаджоннинг севимли қизи – Нозимахон Тошкент педагогика университетининг юридик факультетида аълочи талаба сифатида таҳсил олаётганидан беҳад хурсандмиз...

Элликқалъаликлар Муҳаммад Юсуфни эллик биринчи қалъа, дея таърифлаганида минг бор ҳақ эдилар. У бу қадимий, шу билан бирга ҳамиша навқирон диёрни, меҳнаткаш, меҳмондўст одамларини ғоят севар, қадрлар эди. Бугун ана шу эллик биринчи қалъани қумсаяпмиз. Қалбларга бир илинж тасалли беради: шоир оламдан ўтган бўлса-да, унинг ижоди, шеърлари ҳамон барҳаёт.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# КРИШНАДАН ҚОЛГАН НАЙ...

***Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ҳинд чолғулари кўргазмаси ва ҳинд мумтоз куйларидан тузилган концерт дастурининг намойиши бўлиб ўтди.***

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Ҳинд маданият маркази, Маданий алоқалар бўйича Ҳиндистон кенгаши ва Сангит Натак академияси томонидан ташкиллаштирилган бўлиб, у Сангит Натак академиясининг фаолиятига 50 йил тўлиши муносабати билан ўтказилди. Концерт дастурларини Ҳиндистондан ташриф буюрган беш нафар моҳир созандалар ижро этишди. Бу кўргазмадан 76 та ҳинд мусиқа чолғу асбоблари ўрин олган. Унинг асосий мақсади - ҳинд мусиқа чолғу асбоблари ҳақида бошқа халқларга қисқача тасаввур беришдир. Кўргазмада намойиш қилинган экспонатлар Сангит Натак академиясининг 600 дан ортиқ мусиқа чолғу асбоблари коллекциясининг кичик бир тўплами ҳисобланади.

**КЎРГАЗМА**

Кўргазма 30 апрелга қадар давом этди.

**Гуларо АБДУЛЛАЕВА**





**Ренат Ўрдаев 2003 йил 25-26 январ кунлари ўтказилган каратэ бўйича "Олтин водий" биринчилигида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Энг муҳими, Ренатнинг спорт соҳасидаги муваффақиятларидан мураббий-устозлари мамнун.**

**СУРАТДА: Ренат Ўрдаев ва унинг дўсти Равшан Ҳасанов машғулот пайтида.**

**Т.МАҲКАМОВ олган сурат.**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## ЮЛДУЗ ИККИНЧИ ЎРИНДА

***Фарғона шаҳрида 16 ёшли ўсмирлар ўртасида шоҳмот бўйича Осиё чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди.***

Шуни таъкидлаш жоизки, қитъамизнинг иқтидорли ёш шоҳмотчилари ўртасида уюштирилган ушбу нуфузли турнир мамлакатимиз вакилларининг ҳам нималарга қодир эканликларини исботлади. Ёшлар учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтаган Осиё чемпионатида Қозоғистон Республикасидан ташриф буюрган Манкевга олтин, қирғизистонлик Сиддиқовга кумуш медаллар насиб этди. Ҳамюртларимиз Темур Гарриев, Жўрабек Ҳамроқулов ва пойтахтлик Алексей Яшинлар эса 4, 5, 6- ўринлар билан кифояланишди.

Қизлар ўртасидаги мусобақалар эса юртимиз да келажаги порлоқ шоҳмотчилар етишиб чиқаётганлигини яна бир бор исботлади. Чунки ҳамюртимиз Юлдуз Ҳамроқулова рақибларига қарши чиройли ўйинлар намойиш этиб, ажойиб ғалабаларни қўлга киритди ва чемпионатнинг кумуш медалига сазовор бўлди. Фарғонада ташкиллаштирилган ушбу нуфузли турнир мамлакатимиз ёшлари орасида шоҳмотни ривожлантиришга янада жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яққол исботлади.

## "МҲСК" ЖАМОАСИ – ЧЕМПИОН

***Серқуёш диёримизда бошқа спорт турлари қатори у-шу ривожига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Айниқса, ёшлар ўртасида ушбу спорт турини янада оммалаштириш мақсадида спорт тўгараклари фаолият юритаётганлиги, у-шу бўйича турнирлар ташкиллаштирилаётганлиги қувонарли ҳол.***

Куни кеча пойтахтимиздаги "МҲСК" спорт мажмуида у-шу бўйича 4-анъанавий мамлакат биринчилиги баҳслари ниҳоясига етди. Шуниси қувончлики, унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар спортчиларидан ташқари қозоғистонлик у-шучилар ҳам ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Ушбу биринчилик мусобақалари пойтахт вакиллари учун омад келтирганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Чунки мазкур чемпионатда Тошкент шаҳридаги "МҲСК" спорт клуби аъзоларига биринчи ўрин насиб этган бўлса, шаҳримизнинг яна бир клуби "Гурза" учинчи ўринни қўлга киритди. Андижон вилояти у-шучилари эса иккинчи ўрин эгасига айланишди. Мусобақаларнинг эътиборли жиҳати шундаки, ноябрь ойида у-шу бўйича ўтадиган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоага номзодлар ҳам саралаб олинди.

## КАРАТЭЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Пойтахт вилоятининг Ангрен шаҳридаги "Кимёгарлар" спорт мажмуида каратэ бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар вилоятлардан ташриф буюрган ёш каратэчилар ўртасида кечган муросасиз, беллашувларда омад пойтахт вилояти вакилларига кулиб боқди. Мусобақанинг иккинчи ва учинчи ўринларига эса самарқандликлар ва навоийликлар сазовор бўлишди.

## ЖАМОА ТАҚДИРЛАНДИ

***Миллионлар ўйини – футболни ёшлар ўртасида янада оммалаштириш мақсадида кейинги йилларда олий, ўрта махсус билим юртлари, мактаблар ҳамда маҳаллаларда кўплаб мусобақалар уюштирилаётганлиги таҳсинга лойиқ.***

Яқинда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ҳам факультетлараро футбол турнири ўтказилди. Университет маъмурияти ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мазкур олий ўқув юртидаги бошланғич ташкилоти ҳамкорликларида ташкил этилган "Камолот" кубоги" мусобақаси ниҳоятда шиддатли кечди. Мусобақанинг финал баҳсида Қуйи инглиз факультети футболчиларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратган Юқори инглиз факультети жамоаси турнир ғолиблигини қўлга киритиб, кубок соҳибига айланишди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан катта инспектор Ҳасанова Шодия Маҳкамовнага берилган № 17980 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Трансқурилишмеханизация" очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш базаси сотилади. Манзил: 700059, Тошкент, Сергели тумани Саъдий кўчаси 94-уй.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси бош мутахассис Зоир Латиповга акаси
**Тоир ЛАТИПОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# "МУҲАББАТ СИНОВЛАРИ" СИНОВГА ТАЙЁРМИ?

(Боши 1-бетда)

Бу ҳолат қизнинг уйига яхши ният ила совчиликка келган йигитнинг отаси - Маҳкам аканинг ҳам ҳаётий фалсафасини ўзгартириб юборди. У инсон ўткинчи ҳис-туйғуларга берилиши эмас, кўпроқ келажакни ўйлаши керак, деган фикрни ўғлига сингдиришга уринади.

Тақдир сўқмоқларидаги тўсиқлар икки қалб йўлини айро қилиб юборади. Аммо ҳаётнинг улкан йўқотишлари билан бирга инсонга инъом этадиган ажойиб туҳфалари ҳам учраб туради. Фақат бунинг учун ундан сабр-тоқат, ҳалоллик, энг муҳими эртанги кунга нисбатан ишонч талаб қилинади. Бош қаҳрамон Бобур тимсолида ҳам ана шу тақдир синовларидан муваффақиятли ўтиб, орзу-мақсадга эришган инсон қиёфасини кўрамиз. Мана шу каби реал ҳаёт манзаралари асосига қурилган фильм воқеалари кўпчиликка манзур бўлди.

Аммо асосий гап фильмнинг киноасар сифатидаги ғоявий-бадиий сюжетидадир. Мана шу жойда режиссёрнинг кино оламига эндигина кириб келаётгани, етарли тажрибага эга эмаслиги сезилиб қолган. Фильмнинг камчиликлари талайгина. Айниқса, бу нарса қаҳрамонлар характери мисолида кўпроқ кўзга ташланади. Масалан, бош қаҳрамонлардан бири Рухшона образида озроқ назокат, ҳиссиёт, таъсирчанлик етишмайди. Дилшод Каттабеков ижро этган ролдаги кичкинагина боланинг характеридаги катталарга хос хусусият, аниқроғи, бўрттириш эса томошабинни мулоҳаза юритишга ундаш ўрнига кўпроқ кулгусини қистайди. Бундай бўрттиришни қизнинг отаси Азиз Мирзаевич образида ҳам кўрамиз. У ўзини тутиши, гап-сўзларидан ноқонуний йўл билан пул топувчига ўхшайди. Унинг қизи билан ҳам, турмуш ўртоғи билан ҳам қилган суҳбати ҳаёт ҳақиқатидан узоқлаштириб юборилган. Қаҳрамоннинг нутқида ҳам бадиий руҳни кўрмаймиз. Ахир образ ижрочиси - бошқа кўплаб ролларни қойилмақом қилиб ижро этган Мирза Азизовнинг истеъдодли актёр эканлигини яхши биламиз-ку... Бу ерда айбни ҳаётдан йироқлаштирилган сценарийдан излаш керак, чамамда.

Фильмдаги ўз меъёрига етмаган яна бир роль – банк директори образидир. Бу ролга жиддийроқ, салобатлироқ актёр таклиф этилса, мақсадга мувофиқ бўлармиди? Бу билан Мирза Холмедов ўз ижросини кўнгилдагидек бажара олмаган, демоқчи эмасмиз. Бироқ халқимиз уни комик санъаткор сифатида кўпроқ билиши ва руҳиятимизга шу тушунчанинг сингишиб қолганлигини ҳисобга олсак, унинг ижросидаги бу образ ҳам, назаримизда, комедия асосига қурилгандек бўлиб қолган.

Бадиий жиҳатдан бўш ва заиф ишланган фильм сюжети баъзи жойларда томошабиннинг ишончини қозонолмайди. Масалан, Бобурнинг ишга кириш саҳнаси ва у ердаги муваффақиятлари жуда жўн моҳият касб этган. Иш жойида эришган ютуқлари, ўз устида ишлаш жараёнлари битта қўшиқ давомида тасвирланиб қўя қолинган. Бунга қандай, қай ҳолда эришганини томошабин чуқурроқ ҳис қилиб ҳам улгурмайди.

Ҳар қандай кино асарнинг номи унинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқади. Гарчи ушбу фильм "Муҳаббат синовлари" деб номланган бўлса-да, воқеалар давомида ҳеч қандай муҳаббат билан боғлиқ синовларни кўрмадик. Қаҳрамонларимиз Бобур ва Рухшона севгиси учун қандай курашдилар, улар тақдир синовларидан қандай ўта олди, деган саволга келганда беихтиёр ўйга толасиз. Қизнинг отаси томонидан берилган биринчи рад жавобини эшитибоқ йигит курашдан воз кечиб қўя қолади. Қиз ҳам тақдирга тан бериб, ота-онасининг ҳукмига бош эгади. Шу ўринда фильмга берилган ном унинг ғояси билан мос келмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Яратилаётган ҳар бир фильмнинг ҳар томонлама юксак дид билан ишланишига эътиборни қаратмоқ зарур. Халқ бундай фильмлардан етарли маънавий озуқа, шу билан бирга эстетик завқ олиши керак. Ана ўшандагина фильм яратилишидан кўзланган ният рўёбга чиқади. Ана ўшандагина ўзбек фильмлари ҳам дунё кино бозорида унча-мунча хорижий фильмлар билан рақобатлаша олади, деб ўйлайман.

**Нигора ТЎХТАМЕТОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

# УЧҚЎРҒОНЛИК ЁШ ОЛИМА

***Учқўрғоннинг Қўғайидан чиққан оддийгина қишлоқ қизи Мастурахон Умарова ўтган йили "Фан" йўналиши бўйича "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди-ю, қишлоқда дув-дув гап тарқалди.***

-Анави, ўзимизнинг Мўйдинбойнинг қизими?

-Ҳа, давлат мукофотини олибди. Телевизорда роса мақтащди. Қишлоқдошинг бўлгандан кейин таъсирланиб кетарқансан. Гапнинг рости, кўзимга ёш келди...

-Бўладиган қиз эди-да. Ҳаракатини қилиб олибдими, қойил. Оддий ишчининг қизини мукофот олади, деб ким ҳам ўйлабди?..

-Отасига раҳмат-е...

-Хушхабарни эшитиб, қулоқларимга ишонмадим, - дейди бу ҳақда Мастурахон. - Ўша пайтдаги ҳолатимни эсласам, ҳозир ҳам ҳаяжонга тушаман. Бу мен учун ҳам шараф, ҳам катта масъулият. Энди бундай юксак ишончни оқлаш учун икки ҳисса кўпроқ ғайрат билан ишлаяпман...

Мастура 1994 йилда Намангандаги иқтидорли болалар махсус мактабини тамомлаб, шу йили Тошкент давлат Аграр университетининг талабаси бўлди. Талабалик даврида университетда ўтказиладиган "Зукко агроном" ва "Иқбол" қизлар кўрик-танловларида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади, шу тариқа эътиборга тушди.

-Сумалакнинг хамиртуриши – буғдойга гўдаклигимдан меҳрим тушган, - дейди Мастурахон. – Шу боис аспирант бўлгач, шу экин тури бўйича илмий изланишларни бошладим.

Маълумки, буғдой ҳосилдорлигини оширишэртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий шароитимизга мос келадиган янги навларни яратишга боғлиқ. Аммо илм билан шуғулланиш осон эмас. Бунинг учун кишига кунт ва сабот зарур. Илмга чанқоқ тадқиқотчи қиз Мастурахон "Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида юмшоқ ва қаттиқ буғдой селекцияси учун бошланғич манба яратиш" мавзусида илмий иш олиб бораяпти.

Қадимдан Ўрта Осиёда юмшоқ буғдойнинг жуда кўп навлари мавжуд бўлган. Қаттиқ буғдой эса юртимизга Доғистон ва Кавказорти ўлкаларидан келтирилган. Ўзбекистоннинг жанубида 1881 йилдан, Фарғона водийсида

**ИСТЕЪДОД**

эса 1985 йилдан бошлаб қаттиқ буғдой навлари экиб келинади.

Мастурахон дунёдаги буғдойнинг 140 тадан ортиқ навларини ўрганишга киришди. Албатта, ҳар бир нав ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Бири ҳосилдор, аммо касалликка чидамсиз, яна бири иссиқсевар, таркибидаги клейковина миқдори ҳам юқори, бироқ ҳосилдорлиги паст. Навлардаги бу хусусиятларни чуқур ўрганиш, солиштириш, афзал жиҳатларини белгилаб қўйиш Мастурахондан катта меҳнат талаб қилаяпти.

Ёш тадқиқотчи томонидан танлаб олинган намуналар келгусида ғаллакорларга ҳам, донни қайта ишловчиларга ҳам маъқул келадиган янги буғдой навлари яратишга хизмат қилади, албатта. Қолаверса, ёш олиманинг илмий мақолалари нафақат республикамиз нашрларида, балки чет эл илмий журналларида ҳам чоп этилди.



-Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонини газетадан ўқиб чиқдим, - дейди Мастурахон Умарова. – Жуда пухта тайёрланган ҳужжат. Энди фермер ҳам бозор талабига қараб маҳсулот етиштиради. Деҳқон эркин ишлайди, яхши даромад топади. Улар бой бўлса олимларнинг имконияти ҳам катта бўлади.

Газетамиз саҳифаланаётганда яна бир хушхабар олдик. Мастурахон шу йилнинг май ойида АҚШга икки ҳафталик тажриба ўрганиш учун жўнаб кетаяпти. Ёш тадқиқотчининг бу мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳаси билан танишуви келажакда юртимиз аграр соҳаси ривожи учун албатта ўз самарасини бериши шубҳасиз.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЭЛНИНГ КЎЗИ ТУШАДИ...

(Боши 1-бетда)

Лекин шундоқ бўладики, ёмонлик қилса ёки ёмон ишга қўл урса ҳам ҳеч ким билмади, ҳеч ким сезмади деб хурсанд ҳам бўлади. Мана шундай ҳолатларни кўз олдингга келтирсанг беихтиёр пичирлайсан: Элнинг кўзи тушади...

"Ўринчи" маҳалласидан бир ўқимишли акамиз каттароқ лавозимга кўтарилди. Илгари ҳам ўртамиёна амалдор бўлса-да, элдан ошиб ҳам, тошиб ҳам кетмади. Ҳар қалай уй-жойлари ҳашаматли бўлмаса-да, ҳамиша саранжом-саришта эди. Ўзи ҳам маҳалланинг катта-кичик йиғинларида вақти-вақти билан қатнашиб турарди. Лавозимга кўтарилгач орадан бир йил ўтди, ё ўтмади. Уйлар қайтадан бузилиб, кошона қурилди, кўча дарвозалари нақшлисига алмаштирилди, ҳовлида қишлоқларимизга унчалик мос бўлмаган фонтан ҳам пайдо бўлди. Булар майли, юриш-туришда кибр пайдо бўлди.

Ақли етмаганлар "бу фалончи бойнинг ойлиги жуда катта экан-да" деса, ақли етган "элнинг кўзи тушмайди деб ўйлашади-да", деб мулоҳаза юритади.

Албатта, бойиб кетган одамга "сен пулни қаердан топаяпсан" дейиш ҳуқуқи ҳаммамизга ҳам берилмаган, қолаверса, бировни кўролмасак элнинг эмас, балки бахил кимсаларнинг одати. Лекин элнинг кўзи бу бойлик қаердан келаётганини ҳам бехато топар экан. Ўша кунлари бир дўстим, "Фалончи ака ҳар қандай ишни порасиз битирмас экан, элнинг кўзи тушиб турибди, кўзикмаса гўргайди", деб ҳазил аралаш гап қилди. Мен бу гапга кўп эътибор бермадим, лекин ишлаганига уч йил бўлганда амалдор акамиз қўлга тушди, шунда элнинг назари ўткирлигига ҳам имон келтирдим.

"Элнинг кўзи тушади" деган гапга яна бир мисол. Сотиболди аканинг тўрт ўғли бор, шундан иккитаси оилали, ҳаммаси бир ҳовлида, фақат қозони бўлак. Энг қизиғи шундаки, тўрт ўғил ҳам ҳеч қаерда ишламайди. Уйланган икки ўғил хотинлари ҳисобига (аёллар Тошкент-Ангрен поездида писта, қурут ва сигаретлар сотиб пул топишади) яшаса, уйланмаган икки ўғил ота-онасининг нафақасига яшайди. Ўғиллари худди келишиб олгандек, навбатма-навбат ўғрилик қилишади. Ота ҳаммасидан хабардор, фақат эл кўрмайди деб ўйлайди. "Қора дори"га ўрганган ўғиллардан бири кейинчалик уйдаги нарсаларни арзон-гаровга сотиб, улфатлари ҳузурига югуришни одат қилди. Эл бунинг барчасини кўриб, билиб турди. Маҳалла оқсоқоллари Сотиболди акага тўй-ҳашамларда кўнглига тегиб кетмайдиган қилиб "болаларни қаттиқроқ ушланг, мулла Сотиболди, қариганда уларга қараб қолманг", деб ҳам айтишди. "Худога шукур, болаларим ёмон эмас" деб аламини ичига ютиб ҳеч кимга гап бермаган Сотиболди акани кўп ўтмай "ёмон эмас болалари" қаттиқ уялтириб қўйди. Икки ўғли қамалиб кетди, катта ўғлининг эса оиласи бузилди.

Элнинг кўзи тушган нарсани элдан беркитиб бўлмайди. Чунки элнинг кўзи тушган воқеа эртанги кунда бўладиган салбий ҳодисалардан ўзига хос огоҳлантириш ҳамдир. Ҳамма гап уни вақтида илғаш ва олдини олишда.

Элнинг кўзи тушади, деган гапни юртимизда бўлаётган улкан ўзгаришларга ҳам муқояса қилсам янглишмайман. Мустақиллик йилларида бўлаётган катта ишлар элнинг кўзи ўнгида бўлаяпти. Деҳқоннинг кўкрагига шамол тегди, ёшларимиз учун ҳунарлар эшиги очилди, маҳаллаларимизга файз кирди, одамларимиз дунёни таниб бормоқда. Тўғри, бундай ўзгаришлар ортида элнинг кўзи тушиб, баъзи бир амалдорларнинг масъулиятсизлиги туфайли ёки ўзи билан ўзи ўралашиб қолганлиги натижасида йиғилиб қолаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Маълумки, жамоат транспорти ҳар биримизнинг ҳаётимизда муҳим рол ўйнайди. Катта-катта шаҳарларда ёки пойтахтда автобусларнинг ўз йўналишлари бўйлаб қатнашларида маълум тартибларга риоя қилинса-да, республикамиздаги жуда кўплаб қишлоқ жойларида бу тизим ишдан чиқиб, аҳолига жуда кўп ноқулайликлар туғдирмоқда. Олис-олис қишлоқларга қатнайдиган автобуслар турли сабаблар билан (бировида ёнилғи йўқ, бировида йўналиш ўзини оқламайди деганларидек) бир текисда қатновни издан чиқаришган. Албатта, унинг ўрнига шахсий автомобилларда киракашлик қиладиган, давлатга бирор тийин ҳам фойда келтирмайдиган ёки ўзига ўн ботмон, давлатга бир ботмон берадиган "учар"лар сони кўпайиб бормоқда. Элнинг кўзи тушиб турган бу ҳолатнинг яхшиланишини шу элнинг ўзи кутиб турибди. Нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқларимизда ҳам автобус қатновларининг яхши йўлга қўйилиши иқтисодимизга жуда катта фойда келтиради. Бу борадаги режалар эса баъзи бир уринишлардан нарига ўтмаяпти. Шу ўринда "қишлоқларда автобус йўналиши ўзини оқламайди" деган сий-қаси чиққан баҳонани ўзларига шиор қилиб олган масъулларга айтадиган гапим: кимдир бировнинг енгил машинасини ижарага олиб, шу йўналишларда тўртта одам ташиб киракашлик қилиб фойда кўради-ю, бутун бошли автобус зарарга ишлайдими? Шу даврда, шу замонда яшаётган эл баҳонани эмас, амалий ишни кутиб турибди, у юртнинг фойдасини кўзлаб бошланадиган ҳар қандай ишни қўллаб-қувватлашга тайёр.

Элнинг кўзи ҳар биримизга, қилаётган ҳар бир ишимиз-у хатти-ҳаракатларимизга тушиб турибди. Ерни алдаяпмизми, бир-биримизни оёқдан чалаяпмизми, шу юртга содиқлик кўрсатаяпмизми, эл манфаатини ўзимизнинг нафсимиздан юқори қўяяпмизми... Хуллас, барчаси элнинг кўз олдида содир бўлаяпти.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ**

## ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

### НАБИРАСИНИ ТУҚҚАН БУВИ

***АҚШнинг Жанубий Дакота штатидаги Абердин шаҳрининг фуқароси қирқ икки ёшли Арлетт Швейцар – ўз набираларини ўзи туққан биринчи аёл ҳисобланади.***

Йигирма икки ёшли қизи Криста Юнитилнинг касалмандлиги сабабли ҳомиладор бўлаолмаслигидан онаси таваккал иш қилган. Яъни, куёви ва қизининг уруғлантириш орқали пайдо бўлган эгизак болаларини ўз қорнида тўққиз ой соғ-саломат сақлаб дунёга келтирган.

### БАЛЛИ, ТЕТЧЕР...

***Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тетчернинг эсдаликлар китобининг 300 минг донаси уч кун ичида сотилиб кетди.***

Унинг бу китоби келажакда машҳур қўшиқчи Мадонна асари ва малика Диана ҳамда Чарльзларнинг муҳаббатини таърифлайдиган ҳужжатларни ҳам ярим йўлда қолдириб кетармиш.

**Кидирбой ТЎЛАБОЕВ**
**тайёрлади.**

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 136-58-83, 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-288, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00
Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com